# 2023 ЙИЛ – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 1 (790), 2023 йил 1 январь, якшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news


## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Қадрли ватандошлар!

Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни кириб келаётган Янги йил билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдираман.

2022 йилда машаққатли ва жасоратли меҳнатимиз билан тараққиёт йўлида муҳим марраларга эришдик. Инсон қадрини улуғлаш, халқимизни рози қилиш борасида янги қадамлар қўйдик.

Дунёдаги ғоят мураккаб вазият, глобал инқирозга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ривожланмоқда.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар.

Саноат, қурилиш, рақамли технологиялар, туризм соҳалари жадал ривожланмоқда.

Шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимиз ҳар томонлама обод бўлмоқда.

Янги иш ўринлари ташкил этилиб, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражаси ошмоқда.

Ёшларимиз халқаро майдонларда истеъдод ва маҳоратини намоён этиб, Ватанимизни дунёга танитмоқда.

Халқ овози бўлган маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири кучаймоқда.

Энг муҳими, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва динлараро тотувлик ҳукм сурмоқда.

Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори юксалмоқда.

Шу қутлуғ айёмда эришган барча ютуқларимизнинг бунёдкори бўлган сиз, азиз юртдошларимга, бутун халқимизга яна бир бор миннатдорчилик билдираман.

Муҳтарам дўстлар!

Мамлакатимизда 2023 йилга **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”,** деб ном бердик.

Янги йилда инсонни қадрлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ишларимизни юқори босқичга кўтарамиз.

Фарзандларимиз сифатли таълим ва тарбия олиб, баркамол шахс бўлишлари учун бошлаган ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Муҳтарам фахрийларимиз, азиз аёлларимиз, шунингдек, ёрдамга муҳтож инсонлар учун муносиб шароит яратиш эътиборимиз марказида бўлади.

Илм-фан, тиббиёт, маданият ва санъат соҳалари вакилларини, ўқитувчи ва мураббийларни қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият қаратамиз.

Мухтасар айтганда, жонажон Ватанимизда ҳеч бир инсон жамиятимиз ва давлатимизнинг меҳри ва эътиборидан четда қолмайди. Бунинг учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Қалбларимиз пок ниятларга тўлиб турган ушбу қувончли лаҳзаларда сизларни, бутун халқимизни янги — 2023 йил билан яна бир бор чин дилдан муборакбод этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, оилавий бахту саодат тилайман.

Янги йилнинг қадами қутлуғ келсин!

Барча эзгу ниятларимиз амалга ошсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ВА ПРЕЗИДЕНТИГА САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Янги — 2023 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва парламентлар, етакчи халқаро ва минтақавий ташкилотлар, таниқли давлат ва жамоат арбобларидан самимий табриклар келмоқда.**

Қутловларда мамлакатимиз етакчиси раҳбарлигида Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланган, олиб борилаётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсатнинг самарадорлиги қайд этилган.

Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига янги муваффақиятлар ва фаровонлик, тинчлик-осойишталик ва равнақ тилаклари изҳор этилган.

*Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:*

Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**;
Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин;**
Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**;
Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**;
Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**;
Туркманистон Президенти **Сердар Бердимуҳамедов**;
Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимуҳамедов**;
Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;
Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**;
Ҳиндистон Республикаси Бош вазири **Нарендра Моди**;
Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**;
Корея Республикаси Президенти **Юн Сок Ёль**;
Германия Федератив Республикаси Президенти **Франк-Вальтер Штайнмайер**;
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Бош вазири **Риши Сунак**;
Италия Республикаси Президенти **Серджо Маттарелла**;
Польша Республикаси Президенти **Анджей Дуда**;
Латвия Республикаси Президенти **Эгилс Левитс;**
Сингапур Республикаси Президенти **Ҳалима Ёқуб**;
Мўғулистон Президенти **Ухнаагийн Хурэлсух**;
Лаос Халқ Демократик Республикаси Президенти **Тхонглун Сисулит;**
Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II**;
Қувайт Давлати Амири **Наваф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**;
Ироқ Республикаси Президенти **Абдуллатиф Рашид**;
Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**;
Янги Зеландия Генерал-губернатори **Синди Киро**;
Сан-Марино Республикаси капитан-регентлари **Мария Луиза Берти ва Мануэль Чаватта**;
Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси **Михаил Мишустин**;
Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси **Валентина Матвиенко**;
Хитой Халқ Республикаси Раисининг ўринбосари **Ван Цишань;**
Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири **Ли Кэцян;**
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Чжан Мин**;
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби **Сергей Лебедев**;
Иқтисодий тараққиёт ташкилоти бош котиби **Хусрав Нозирий**;
Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев**;
Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти бош котиби **Йенс Столтенберг**;
Жаҳон туризм ташкилоти бош котиби **Зураб Пололикашвили**.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

**АВВАЛ – ИНСОН, КЕЙИН – ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ**

## ҲАЁТИМНИ ЎЗГАРТИРГАН ЙИЛ



**Ҳар бир кун, ҳар бир йилнинг ўзига хос бетакрор ҳикмати, ҳаётий мазмуни бўлади. Бугун 2023 йилнинг илк кунини бошладик. Шу фурсатда ўтган йилимизнинг сарҳисоби барчага қизиқ ва аҳамиятли бўлиши табиий, албатта. Ҳозир шулар ҳақида ўйлар эканмиз, 2022 йил якунида Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси биргаликда эришган ютуқларимиз кўзгуси ва олдимизда турган долзарб вазифалар учун дастуриламал бўлди, дейиш ўринлидир.**

Давоми 2-бетда

**МУЛОҲАЗА**

**ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯККАЮ ЯГОНА ТЎҒРИ ЙЎЛИДИР.**

***(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан).***

## ИЛМ ИЛА ЎЗЛИККА ҚАЙТИШ

Инсоният тарихи солномаси улуғ ғалабалару буюк ихтиролардангина иборат эмас. Ҳар бир ютуқ замирида узоқ-яқинда йўл қўйилган хатолардан чиқарилган хулоса ҳам бўлади. Йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилмаслик, эътиборсизлик, шубҳасиз, янги нохушликларга олиб келади, уларни ўнглаш, тузатиш эса қийин кечади. Чунки вақт ўтган, имкониятлар қўлдан бой берилган бўлади.

Давоми 6-бетда

**ИЗҲОР**

## ЭЗГУ ЎЙЛАР ТОПСИН ҚАРОР

### *САРҲИСОБ ҚУВОНЧИ*

Якунига етган 2022 йил бир қаламкаш сифатида менинг ҳам қувончимга қувонч, ғуруримга ғурур қўшди. “Имом Мотуридий” номли тарихий-маърифий мавзудаги романим Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида “Адабиёт” нашриёти томонидан чоп этилди. Асар ҳақида етук мутахассислар, устозлар ижобий фикр-мулоҳазалар билдирди. Куни кеча “Йилнинг энг яхши асари” кўрик-танловида бош совринга муносиб кўрилганим, албатта, мен учун чексиз ифтихордир!

Давоми 3-бетда

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

АВВАЛ – ИНСОН, КЕЙИН – ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ

# ҲАЁТИМНИ ЎЗГАРТИРГАН ЙИЛ

## ЖАМИЯТНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ИЛМ-ФАН РУҲИ БИЛАН ШАКЛЛАНМОҚДА



МУТАФАККИР АВЛОНИЙ БОБОМИЗ “ТАРБИЯ БИЗ УЧУН Ё ҲАЁТ — Ё МАМОТ, Ё НАЖОТ — Ё ҲАЛОКАТ, Ё САОДАТ — Ё ФАЛОКАТ МАСАЛАСИДИР”, ДЕГАНИДА ҲАҚ ЭДИ. ЗЕРО, ИНСОН ОНГЛИ ЯШАЙ БОШЛАГАНИДАН БУЁН ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ МАСАЛАСИ ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИБ КЕЛМОҚДА.

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз 2023 йилга мамлакатимизда **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”** деб ном беришни таклиф қилди. Бу таклиф кўп миллатли халқимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Агар эътибор берсак, Янги Ўзбекистон ислоҳотларида инсонга эътибор кун сайин кучайиб, сифат биринчи ўринга кўтарилмоқда. Биз сифат деганда, ҳаётимизни ўзгартираётган ҳар бир ислоҳот негизига урғу қаратмоқчимиз. Бу жараёнда, табиийки, таълим ва илм-фан ислоҳотлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари нима учун йилга бундай ном берилаётганини изоҳлар экан, жумладан, шундай деди: ***“Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир”.***

Дарҳақиқат, бугун жамиятимизнинг янги қиёфаси мана шундай таълимга эътибор ва халқчил руҳда шаклланмоқда. Бу йўлда давлатимиз томонидан берилаётган эътибор ва эришган ютуқларимиз ҳар биримизни янги марралар сари чорлайди.

Гап шу ҳақда борар экан, 2022 йилда таълим соҳасида эришган натижаларимизни ҳам таҳлил қилиш ўринли. Бу нималарда намоён бўлади?

Аввало, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг иккита муҳим йўналиши бевосита таълим, илм-фанни ривожлантириш, маънавий тараққиётимизни янги босқичга олиб чиқишга қаратилди. Биргина мактабгача, ўрта, ўрта махсус ва олий таълимни ривожлантиришга энг кўп эътибор берилгани ҳам бежиз эмас. Боиси, биз маърифат йўлини танладик, фақат маърифат ва илм-фангина жамиятни тараққиётга етакловчи куч эканини яхши англаб етдик.

Мутафаккир Авлоний бобомиз ***“Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”,*** деганида ҳақ эди. Зеро, инсон онгли яшай бошлаганидан буён таълим ва тарбия масаласи долзарб аҳамият касб этиб келмоқда.

2022 йил, шунингдек, олий таълим соҳасида ҳам катта ислоҳотлар йили бўлди. Бунда, энг аввало, олий таълим билан қамров даражасини оширишга эътибор қаратилди, олий таълим муассасаларимизнинг халқаро рейтингларда нуфузини оширишга эришилди, нодавлат ОТМлар сони кўпайтирилди, талабалар учун турар жой муаммосини ҳал қилишда ҳам мақсадли вазифаларни бажаришга эътибор берилмоқда. Ижтимоий кўмакка муҳтож ёшлар ва уларнинг ота-онасига таълим кредитини тўлашда имтиёз бериш тизими йўлга қўйилди. Мана шу ўзгаришлар қаторида имконияти чекланган ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ишсиз ёшларимизни касб-ҳунарга ўқитиш ҳам эътибордан четда қолмади.

Бевосита илм-фан соҳасига келадиган бўлсак, ўз фаолиятим мисолида айтишим мумкинки, 2022 йил университетимиз профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари учун том маънода ғоят сермазмун ва баракали йил бўлди. Мазмундорлик қачон бўлади? Қачонки, илм-фан соҳаси вакилларига давлат даражасида эътибор ва рағбат бўлса!

Давлатимиз раҳбари биз, педагогларга мана шундай шароит яратиб берди. Натижада, 2022 йилда университетимизнинг юзлаб профессор-ўқитувчилари сафида менинг ҳам халқаро нуфузли илмий импакт факторли нашрларда,скопус базасидаги илмий журналларда мақолаларим чоп қилинди. Олий таълим талабалари учун махсус луғат китоби ва услубий қўлланмалар нашр этдик.

Шунингдек, 2022 йилда бизнинг жамоамиз жуда катта фахрли натижани қўлга киритди. Яъни, 23 давлатдан 760 университет иштирок этган Осиё университетлари рейтингида Ўзбекистоннинг 8 та олий таълим муассасаси муносиб ўрин эгаллади. Қувонарлиси, “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети ҳамда Ўзбекистон Миллий университети кучли 500 талик университетлар қаторидан жой олди.

Бу каби ютуқларни яна кўплаб санаш мумкин. Шуниси эътиборлики, 2022 йил ҳар биримизнинг ҳаётимизни яхши томонга ўзгартирган йил сифатида тарихда қолди. Энг муҳими, таълим сифати ва ривожига эътибор келгуси йилларда янада фаол давом этади. Бу жиҳатлар Президентимиз Мурожаатномасида таъкидланганидек, 2023 йилги Давлат дастурида ўз аксини топади. Жумладан, соҳада бошланган ишлар тизимли давом эттирилиб, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиниши, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилиши мақсад қилинган.

Мана шундай кўтаринки кайфиятда таъкидлашимиз жоизки, Президентимизнинг Мурожаатномасида ***“Мана, сизлар билан биргаликда 2023 йил учун улкан мақсад ва вазифаларни белгилаб олдик. Албатта, дунёдаги ҳозирги мураккаб шароитда бу вазифаларни амалга ошириш осон бўлмайди. Лекин биз ўтган даврда катта билим ва тажриба тўпладик. Энг муҳими, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз тобора ортиб бормоқда”,*** дея зўр фидойилик ва ватанпарварлик руҳи билан айтган гапи бугун ҳар биримизни олий мақсадлар рўёби сари чорлаб турибди.

Шу ўринда яна бир гап. Бизнинг фаолиятимиз ва эришаётган ютуқларимиз негизида, албатта, мактабгача ва мактаб таълими сифати туради.

Шу маънода, Президентимиз 2022 йил 29 декабрь куни **“Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир”** мавзусидаги замонавий дарсликлар кўргазмаси билан танишгани ва ўқитувчилар билан бевосита суҳбатлашгани, уларнинг таклиф ва фикрларини эшитиб, ҳеч бирини беэътибор қолдирмагани ҳам миллий юксалишимиз йўлида тарихий воқеа бўлди.

***— Шундай жамият қуришимиз керакки, ўқитувчилик энг обрўли касб бўлиши лозим! Бу йўлда биз, аввало, ўз ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган минг-минглаб устоз ва мураббийларга таянамиз! Устозларни эъзозлаган жамият ҳеч қачон кам бўлмайди, ўз мақсадларига, албатта, етади. Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутманглар: халқимиз ўз келажагини сизларга ишониб топширган. Келажагимиз қандай бўлиши, аввало, сизларга боғлиқ. Бу йўлда Президент сизларни доимо қўллаб-қувватлайди,*** — деди давлатимиз раҳбари ушбу йиғилишда.

Мана шу катта эътироф ва ишонч руҳи янги йилда бизга алоҳида қувват манбаи бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ. Биз, педагоглар таълим сифатини янада ошириш, ёш авлодга замонавий билим бериш йўлида масъулиятни ҳис қилган ҳолда, ўз устимизда доимий ишлашимиз, илмий салоҳиятимизни ошириб боришимиз, зарур ўқув ва ўқув-услубий қўлланмаларни янада кўпроқ чоп этиб, талаба ёшларни ҳам илмий фаолиятга йўналтириб, етук кадр бўлиб шаклланишлари учун илм-фан ривожига муносиб ҳиссамизни қўшишимиз талаб этилади.



**Жамшид ЮСУПОВ,**
**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)**

Ҳар йили янги йил арафасида ўтаётган йилни сарҳисоб қиламиз: нималарга эришдик, нималарни қўлдан бой бердик? Шу маънода, 2022 йил менга ҳам қувонч, муваффақиятлар туҳфа этганидан мамнунман.

## ҲАМ ОЛИМА, ҲАМ ТАДБИРКОР СИФАТИДА КАШФ ЭТИЛДИМ

Бугун юртимизда аҳолининг ҳар бир қатламига алоҳида эътибор қаратиляпти. Айниқса, хотин-қизларга берилаётган имконият, яратилаётган шарт-шароитлар, давлатимиз томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашлар жамиятда ўз ўрнимизни топишимизга ёрдам беряпти. Атрофга қарасак, орамиздаги кўплаб хотин-қизлар ҳаётида мамлакатимиздаги бугунги ислоҳотлар самарасини кўрамиз.

Имкониятлар менинг ҳаётимда ҳам ўз аксини топаётганидан қувонаман. Нафақат оила бекаси ва она сифатида, шу билан бирга, олима ва тадбиркор бўлиб жамиятга нафим тегишига йўл очяпти.

Университетда ўқиб юрган кезларим тил ўргатиш маркази очган танишларимга ҳавас қилардим. Ўз олдимга мен ҳам шундай ўқув маркази очаман, ёш авлоднинг билим олишига ўз ҳиссамни қўшаман, деган мақсад қўйдим. Инсон бир эзгу мақсад учун астойдил ҳаракат қилса, албатта, унга эришади, фақат олға интилиш керак.

Пойтахтимизнинг Яшнобод тумани Аҳмад Яссавий маҳалласига кўчиб келгач, бу атрофда кўнглимга мос ўқув маркази йўқлиги учун фарзандларимни Мирзо Улуғбек туманидаги синалган ўқув маркази машғулотларига олиб бориб юрдим. Ўйласам, маҳалламизда ўзим ҳам ўқув маркази очишим мумкин. Ҳам фарзандларим қийналмайди, ҳам қўни-қўшни, маҳалла-кўйга фойдали бўлади. Маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан ишим осон кечди. Мақсадимни эшитгач, ўзимиз яшайдиган кўп қаватли уйнинг ертўласидан бемалол фойдаланишим мумкинлигини айтди. Янги қурилган уйлар бўлгани учун ертўла тадбиркорлик объекти сифатида фойдаланишга мослаштирилган. Ёруғ.

Зудликбиланишгакиришибкетдик.Маблағимиз кам эди, давлатимиз томонидан 50 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Бугун ҳам Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети докторантиман, ҳам тадбиркорман. Тўрт фарзандим ўқув марказимиз машғулотларига қатнайди.

**Бу ерда 12 йўналишда ҳам ўқитувчиларга, ҳам ўқувчиларга хизмат кўрсатилади. Бундан ташқари, фитнес хонаси, мактабгача тайёрлов курси ҳам бор. Яқинда болалар учун таэквондо тўгарагини ҳам очдик.**

Ўқув маркази фаолиятини йўлга қўйишда аёллар учун спорт хонаси ташкил этиш режамизда йўқ эди. Аёллардан таклиф тушгач, жой борлиги учун бу йўналишда ҳам хона тайёрладик. Айни пайтда кредит олиб, спорт анжомларини кўпайтирмоқчимиз. Яна бироз кредит олсак, бу муаммо ҳам ўз ечимини топади. Маҳалламиз кўмаги билан 33 миллион сўм кредит оляпмиз. Бу маблағга керакли спорт анжомлари сотиб олишимиз мумкин бўлади.

2022 йилнинг энг қувончли воқеаси Президентимизнинг бизнинг маҳалламизга ташрифи бўлди. Бу менинг ҳаётимда ҳам ёрқин из қолдирди. Боиси, олдимизга яна катта мақсадлар қўйдик. Ўқув марказимиз фаолиятини ривожлантириш учун малакали кадрларга эҳтиёжимиз бор. Инглиз тили мутахассиси бўлганим учун хорижий тил бўйича ўқитувчиларни ўзим танлаб оламан.

Ўтган йил ҳаётимдаги яна бир ёдда қоларли воқеа, бу илмий йўналишдаги муваффақиятларим бўлди. Докторантурага қабул қилиндим. “Organizing self studies for b1 learners using web tools” мавзусида илмий иш бошладим. Хорижда ва Ўзбекистонда нашр этиладиган нуфузли илмий журналларда 15 га яқин мақолам чоп этилди.

Бошлаган ишларим 2023 йилда янада гуркираб ривожланишига, кўплаб муваффақиятларга эришишимга ишонаман.



**Дилфуза АЗИМОВА,**
**ЎзДЖТУ докторанти**

**Ҳар бир кишининг бошпанаси, иши тайин бўлса, оиласи, болалари қуршовида яшаса, жамиятга, шу юртга ўзининг керакли эканини ҳис қилса, буни ўз ҳаётида кўрса, умридан, ҳаётидан мамнун бўлади. Бу оила тинчлиги, жамият фаровонлигига бевосита таъсир этади.**

## МУНОСИБ ЭЪТИРОФГА САЗОВОР БЎЛДИМ

Умримизнинг ўтаётган ҳар бир кунига шукр қиламан. 2022 йил, айниқса, ҳаётимда ўзига хос қувончли из қолдирди. Кўп нарсалар ўзгарди, бахт ҳиссини туйдим. Яхши кунлар яхши кунларга уланди. Ҳар кунимда қувониш учун бир сабаб тайёр эди.

Йил давомида ҳамкор ташкилотлар билан кўплаб ишлар қилдик. Оилаларни ажримлардан сақлаб қолдик. Ижод қилдик. “Тонг сифати” номли шеър ва ҳикоялар тўпламим “Энг азиз, энг улуғ” танловида ғолиб бўлди. Йиллар давомидаги машаққатли меҳнатларимиз, камтарона ишларимиз жуда чиройли эътироф этилди.

Мен учун 2022 йилнинг энг эсда қоларли воқеаси “Йил аёли” танловидаги иштироким бўлди. Танловда қатнашишнинг ўзи бизга катта куч берган эди. Ғолиблар сафида жой олиш эса мамнуният бахш этди. Қувончим ичимга сиғмаяпти. Бу ишонч ва эътироф учун Президентимизга миннатдорлик билдираман.

Сўнгги пайтларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси асосида маҳаллаларда аҳоли, шу жумладан, хотин-қизлар билан мулоқот олиб боришнинг мутлақо янгича тизими йўлга қўйилди. Шу асосда шаҳар ва қишлоқларда уйма-уй юриб, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, улардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш тажрибаси шаклланди. Муҳтож оилалар ва хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш мақсадида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” билан ишлаш тизими жорий этилди. Мазкур тизим шарофати билан минглаб оилалар аҳволи ижобий томонга ўзгарди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга кўмак берилди. Имтиёзли кредит ва субсидиялар орқали юртдошларимиз, хусусан, хотин-қизлар ўз тадбиркорлигини йўлга қўймоқда, бандлиги таъминламоқда.

Туманимиздаги хонадонларга кириб борсак, аҳоли билан суҳбатлашсак, бугунги ўзгаришларни яққол кўрамиз. Ишимдан завқланаман. Мана шу жамиятнинг бир парчаси эканимдан ғурур туяман.

Янги йил ҳаётимизга янги имкониятлар, янги зафарлар келтирсин. Ишонаманки, 2023 йил якунида бундан-да юксак кайфият, бундан-да гўзал туйғулар билан бир-биримизга рўбарў келамиз.



**Шодия УМРЗОДА,**
**Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 2-ихтисослашган давлат умумтаълим мактабининг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси**

## “ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ” КЎПЧИЛИКДА КИТОБ ЎҚИШГА РАҒБАТ УЙҒОТДИ

**Янги йил байрамини бир йиллик умр сарҳисоби сифатида кутаман. Олдимга бир қанча саволлар қўяман. 2022 йилда кўпроқ китоб мутолаа қилишга, ўз устимда ишлашга ҳаракат қилдим. Бу кўп муваффақиятга эришишимга асос бўлиб хизмат қилди, десам муболаға бўлмайди.**

Хусусан, 2022 йилнинг апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтган нуфузли тадбир — “Ёш китобхон” республика танловида иштирок этиб, 15-19 ёш тоифаси бўйича фахрли 1-ўринни қўлга киритдим. Бу оиламизга “Президент совғаси” сифатида “Спарк” автомобилини тақдим этди. Танловдан сўнг, орадан 2 ой ўтар-ўтмас, Президентимиз “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирлади. “Ёшлар куни” муносабати билан “Янги Ўзбекистон” боғида ташкил этилган тантанали тадбирда мукофотни шахсан Президентимиз қўлидан олганимдан жуда фахрланаман.

Болалигимдан умрини, меҳнатини ерга бахш этаётган отамнинг орзуларини ушалтириш учун тинмай ҳаракат қилдим. Онамнинг орзулари ичра қанот ёйдим. Фарзандларининг ўқиши, билим олиши учун шароит яратиб берган қўшқанотларимнинг мендан фахрланиши чинакам қувонч эди. Танловдан қайтганимдан сўнг вилоят ҳокимлиги томонидан ота-онамга “Вилоятдаги энг маърифатли ота-она” номинациясида ташаккурнома топширилди. Бу мақомни эшитгач, уларнинг қувончини бир кўрсангиз эди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. 2022 йилнинг яна бир тортиғи бўлдики, бу мени ёш журналист сифатида кашф этди. Талабалар ўртасида ўтказилган “Янги Ўзбекистон маърифатли жамиятини яратишда ёшларнинг ўрни” мақолалар танловининг республика босқичида фахрли 1-ўринни қўлга киритдим. Мазкур танловда мингдан зиёд ёшлар иштирок этди. Аслида, бу танловда қатнашишнинг ўзи катта ютуқ.

Яна бир қувончли воқеа сифатида университетимиз томонидан “Тўра Сулаймон” номидаги стипендияга лойиқ кўрилдим.

Бундан ташқари, вилоятимиздаги ҳар бир мактабда учрашувлар, маънавий тадбирларда қатнашяпман. Отам Президентимиз совғаси бўлган “Спарк” автомобилида ўзи мен билан юриб, ижодий учрашувларда иштирок этяпти. Отамнинг қувончини кўрсам, ҳар бир кунимга шукрона келтираман. Бир фарзанд бўлиб, отамнинг ҳаётига ранг олиб кира олганимдан қувонаман.

Оқолтин, Мирзаобод, Гулистон туманларидаги 30 га яқин мактабда китобхонлик кечаларида қатнашдик. Ишонасизми, чекка-чекка мактабларга борсак, ўқувчилар машинани ўз кўзлари билан кўриб, “Чиндан ҳам бу машинани Президент берган экан, “Президент совғаси”, деб ёзиб қўйилибди”, деса, ота-оналар “Мана, китоб ўқиб машина минса бўларкан”, деб ҳавас қиляпти. Улар машина олдида суратга тушаркан, ҳар бирининг тилидан ижобий таассуротларни эшитаман, китоб ўқишга бўлган рағбат ошаётганини сезаман.

Кўп ташкилотлардан ишга таклифлар бўлди. Бироқ мен мактабда ўқитувчилик қилишни танладим. Бугун ўз қишлоғимда, Мирзаобод туманидаги 15-мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанларидан дарс беряпман. Мақсадим — бу қишлоқдан, бу мактабдан истеъдодли ёшлар яна чиқсин. Мамлакат ва халқимиз корига ярайдиган авлодлар шакллансин.

Шу ўринда айтмасам бўлмас. Устоз ўз ютуғидан кўра, шогирдининг муваффақиятини устун кўраркан. Бир ўқувчим иншолар танловининг республика босқичида ғолиб бўлди.

2023 йилга режаларим кўп. Тил ўрганиш курсига қатнаяпман. Кўпчилик айтяпти: “Сенда давлат мукофоти бор, шу имкониятдан фойдаланиб, магистратурага кириб олсанг-чи”, деб. Бироқ мен тил ўрганишни давом эттирмоқчиман. Шу боис, турк ва араб тиллари машғулотларига қатнашни режалаштирганман.



**Фикрим сўнгида ўтган йилдан ўзим чиқарган бир хулосани айтсам: инсон ҳаракат қилса, тоза ният билан олға интилса, ютуқлар ўзи бизга пешвоз чиқар экан. Агар шундай бўлмаса, Сирдарё вилоятининг чекка бир қишлоғидаги оддий деҳқон фарзанди бир йилда шунча муваффақиятга эриша олармиди? Демак, давлатимиз раҳбари ҳар бир ҳаракатимизни кўряпти, шунга яраша қўллаяпти. Шу маънода, 2023 йилда барча ҳаракатимиз, интилишимиз бардавом бўлсин. Янги йил қалбларимизга қувонч ва хотиржамлик келтирсин.**

**Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,**
**“Мард ўғлон” давлат мукофоти совриндори**

# БИР ГУРУҲ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

Қадрли пойтахт аҳли, ҳурматли ота-оналар!

Ҳозирги кунда жонажон Ўзбекистонимиз буюк ўзгаришлар жараёнини бошидан кечирмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларига янгиланиш ва юксалиш нафасини олиб кирмоқда. Энг муҳими, халқимизнинг ўз кучига, эртанги кунга бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда.

Бугунги мураккаб ва шиддатли даврнинг ўзи олдимизга қандай ўткир ва долзарб муаммоларни қўяётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Айниқса, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсад йўлида дадил илгарилаб бораётган Янги Ўзбекистонда таълим тизими олдида мислсиз вазифалар пайдо бўлмоқда. Чунки биз интилаётган буюк мақсадларни амалга ошириш учун, аввало, юксак профессионал кадрлар — ўз ишининг чинакам усталари, ҳар қандай шароитда ҳам элюртимизга садоқатли ва жонкуяр инсонлар керак.

Бу вазифани амалга оширишда сифатли таълим ва тарбия биз учун сув билан ҳаводек зарур. Бугун ушбу масала мамлакатимиз тақдири ва келажагини, барчамизнинг ҳаёт-мамотимизни белгилайдиган энг масъулиятли ва шарафли ишга айланмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳурматли Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2023 йилни мамлакатимизда **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”** деб эълон қилдилар.

Биз — ўз ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган ўқитувчи ва мураббийлар буни таълим ва тарбия соҳасига берилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси сифатида қабул қилмоқдамиз.

Куни кеча пойтахтимизда устоз ва мураббийлар билан ўтказилган самимий ва очиқ мулоқотда зиммамиздаги вазифаларни янада чуқур ҳис этдик.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг **муаллим ва мураббийларнинг мавқеини кўтариш, ўқитувчилик мақомини Конституциямизда мустаҳкамлаш ҳақидаги фикрлари кучимизга — куч, ғайратимизга — ғайрат қўшди.** Ўзбекистон муаллим ва мураббийлари ҳеч қачон бундай юксак эътиборга, қулай шароитларга эга бўлмаган.

Тошкент шаҳрининг ўзида сўнгги йилларда кўплаб мактаблар бутунлай янгича қиёфага эга бўлди. Педагоглар фаолияти учун янги-янги имконият ва шароитлар яратилмоқда. Келгуси ўқув йилидан барча мактабларда бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқатлантиришни йўлга қўйиш ташаббуси ҳам инсон қадрини улуғлаш, аввало, мактабдан, таълим тизимидан бошланаётганини кўрсатади.

Бундай улкан ижобий ўзгаришлар бутун мамлакатимизни қамраб олмоқда.

Дунёда чуқур инқироз давом этаётган ўта мураккаб бир даврда таълим соҳаси учун бундай катта маблағлар ажратиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Лекин қанчалик қийин бўлмасин, Президентимиз халқимиз, фарзандларимизнинг тақдири ва келажагини ўйлаб, соҳа ривожи учун барча имкониятларни яратиб бермоқда.

Биз — педагог ходимлар бундай ғамхўрликка жавобан **бебаҳо бойлигимиз бўлган ҳар бир болани — бу менинг болам**, деб Янги Ўзбекистон бунёдкори этиб тарбиялашга бор билим ва салоҳиятимиз, куч-ғайратимизни сафарбар этишга тайёрмиз.

Азиз ота-оналар!

Барчамиз яхши тушунамизки, **таълим-тарбия сифатини ошириш, фарзандларимизнинг мактабда камида иккита чет тилини, компьютер ва касб-ҳунар асосларини ўрганиб чиқишини таъминлаш** барчамиздан биргаликда ҳаракат қилишни талаб этади. Айниқса, болаларимиз учун келгуси ҳаёт йўлини танлашда 11-синфдаги шаклланиш даври муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада устозлар билан бирга ота-оналарнинг ҳам бурчи ва вазифаси муҳим эканини унутмаслигимиз зарур. Муқаддас ислом динимизда ҳам фарзандга яхши таълим ва тарбия бериш ота-онанинг биринчи галдаги вазифаси экани алоҳида таъкидлангани албатта бежиз эмас.

Шунинг учун ҳам ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришимиз лозим. **Келгусида янги авлод тарбиячиси бўладиган қизларимизни замонавий билим ва ҳунарларни эгаллаган, дунёқараши кенг инсонлар этиб тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши керак.**

Бир сўз билан айтганда, инсон қалби ва онги, аввало, фарзандларимиз ҳаётига нисбатан хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги таҳликали замонда навқирон авлодимиз таълим-тарбиясига бир лаҳза ҳам лоқайд қарашга мутлақо ҳаққимиз йўқ.

Ўғил-қизларимизни мамлакатимизда юз бераётган туб ўзгаришларнинг қадрига етиб, бу жараёнда фаол иштирок этадиган чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида вояга етказиш ҳар бир ота-онанинг нафақат орзуси, балки амалий ҳаракатига айланиши лозим.

Доимо ёдда тутишимиз шарт: **тарбия бу — аввало, билимни болага меҳр, эътибор ва ғамхўрлик орқали сингдириш демакдир.**

Шу асосда ёш авлодни эл-юртга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида камол топтириш учун **мактаб — оила — маҳалла ҳамкорлиги**ни амалда йўлга қўйишимиз керак.

Халқимиз ва Ватанимиз олдидаги масъулиятимизни чуқур англаган ҳолда, бу йўлда барчамиз ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилсак, ҳеч шубҳасиз, миллий таълим-тарбия тизимини албатта янги сифат босқичига олиб чиқамиз, бу борада кўзлаган мақсадларимизга етамиз.

Қадрли ватандошлар!

Бугун ҳаётнинг ўзи маърифатпарвар боболаримиз айтган фикрлар нақадар тўғри эканини исботлаб бермоқда: **“Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — илмда, нажот — муаллимда”.**

Энг муҳими, ҳар бир ота-она, бутун халқимиз қалбидаги орзу-интилишларни ифода этадиган бу сўзлар ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, фаолиятимиз мезонига айланиши зарур.

Президентимизнинг таълим-тарбия соҳасидаги стратегиясини амалга ошириш учун бор билим, тажриба ва куч-ғайратимизни сафарбар этсак, шу олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшсак, буюк аждодларимиз ва келажак авлодлар олдидаги бурчимизни шараф билан адо этган бўламиз.

**Тошкент шаҳри ўқитувчи ва мураббийлари**

ИЗҲОР

# ЭЗГУ ЎЙЛАР ТОПСИН ҚАРОР

“ЯНГИ ЙИЛИМИЗ “ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ” ДЕБ НОМЛАНДИ. ШУНДАЙ ЭКАН, ҲАР БИРИМИЗ ЎЗ ФАОЛИЯТИМИЗ ДАВОМИДА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШНИ БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАМИЗ ДЕБ БИЛМОҒИМИЗ ЛОЗИМ.

## САРҲИСОБ ҚУВОНЧИ



**Луқмон БЎРИХОН, ёзувчи**

Бошланиши 1-бетда

Яна мамнуният билан таъкидлаб ўтишни истардимки, ўтган йил миллатимизнинг мард, олижаноб фарзанди, етук олим, марҳум Ўктам Умурзоқовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида бадиий йўсинда ҳикоя қилувчи “Сокин дарё” деб номланган романим ҳам нашр этилди. Мазкур китоб, айниқса, ёшлар, ўқувчи ва талабаларда катта қизиқиш уйғотгани менга беҳад шодлик, ҳаяжон, илҳом бағишлайди, янгидан-янги асарлар битишга ундайди.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни кириб келган янги, 2023 йил билан муборакбод этаман. Хонадонларидан шодлик, файзу барака асло аримасин!

## ЯНАДА ФАОЛ БЎЛИШИМИЗ ЗАРУР

**Мавжуда ҲАСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**



Йил сўнгида ҳар биримиз ортга бир назар ташлаб, қандай ишларни амалга оширдим-у, қай бирига улгуролмадим, дея ўзимизга савол берамиз. Шу жумладан, мен ҳам ўзимча ана шундай сарҳисобга ундовчи ўйга толаман.

Ўтган йилдан розиман. Камтарона меҳнатим юксак рағбат топди: “Шуҳрат” медали билан тақдирландим. Келгусида биз, депутатлар янада фаол бўлишимиз, халқчил ва тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунлар қабул қилишда жонбозлик кўрсатишимиз лозим. Шунингдек, сайловчиларимизни рози қилиш, уларнинг ишончини қозонишдек юксак ишлар олдимизда турганини унутмаслигимиз керак.

2022 йил ўз сабоқлари билан умр дафтаримизда ёрқин излар қолдирди. Ушбу сабоқлардан хулоса чиқарар эканман, 2023 йилда парламент назорати институтидан самарали фойдаланишни ўз олдимга мақсад қиляпман. Ялпи йиғилишларда, фракция қўмита, йиғилиш ва тадбирларида янада фаолроқ бўлишимиз зарур, деб ўйлайман. Ўтган йилда юртимиздаги сиёсий жараёнларда халқ вакили сифатида ўз муносабатимни тезда билдиришим, ОАВда янада фаол бўлишим зарур эди. Чунки депутат халқнинг назаридаги инсон, шунга мос ва хос бўлиш эса замон талаби.

Янги йилимиз “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номланди. Шундай экан, ҳар биримиз ўз фаолиятимиз давомида юртдошларимизни рози қилишни биринчи навбатдаги вазифамиз деб билмоғимиз лозим.

“ Янги Ўзбекистонни бунёд этишда барчамиз ўз ташаббусларимиз ва самарали меҳнатимизни аямаслигимиз керак. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Янги 2023 йил барчамизнинг хонадонимизга меҳр-оқибат, тинчлик-осойишталик ва фаровонлик олиб келсин.

Мана бугун ўқувчиларим билан байрам сайрига чиқдик. Йўл-йўлакай 2022 йил сабоқлари ҳақида гаплашиб келдик. Ушбу йилда омадли, яхши кунларимиз кўп бўлди. Мактабимиз қайта таъмирланиб, мутлақо янгича кўринишда ўқувчиларни ўз бағрига олди.

## УСТОЗЛИК БАХТИ



**Нигора ТУРДИБЕКОВА, Сергели туманидаги 300-умумтаълим мактаби ўқитувчиси**

“ Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2023 йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” дея бежиз ном бермади. Демак, таълим соҳасидаги ислоҳотлар янада жадаллашади.

Ўқитувчига, мактабга эътибор янада ошади. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида миллий ўзлигимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилишини таъкидлаб ўтди. Ушбу мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ бера бошлаганимга 6 йил бўлди. Шу вақт давомида истеъдодли ўқувчиларимизга йўлчи юлдуз бўлаётган “Кичик академия”-да ўтказиладиган ижодий учрашувлар ва сабоқларда аниқ фанлар билан бирга она тилимиз ва адабиётимиз тарғиботи ва ривожи билан боғлиқ мавзуларга ҳам алоҳида ўрин бериб келяпмиз.

Бу йил шогирдим, 9-синф ўқувчиси Элшодбек Мелибоев Тошкент шаҳар халқ таълими бўлими томонидан ташкил этилган “Митти юлдуз шуъласи” ёш ижодкорлар танловида драма, таржима, публицистика йўналишида биринчи ўринни қўлга киритди. Айни пайтда “Кичик академия” аъзоси сифатида ўқув ишлари бўйича мактабимиз директорининг ўринбосари Малика Абдуллаева билан бирга 3 та креатив лойиҳа устида иш олиб бормоқда. У физика, астрономия фанларига жуда қизиқади, илмий-фантастик ҳикоя ва драмалар ёзишни машқ қилади. Элшодбек келгусида нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиёти вакиллари орасидан жой оладиган ажойиб ёзувчи бўлишига ишонаман.

## СОҒЛОМ ФИКР ВА СОҒЛОМ ҚАДАМ УЙҒУНЛИГИ

Бугун ўғлим Элгизбек билан Арча байрамини томоша қилгани чиқдик. 2022 йилда болажоним ая, дада, бобо, момо каби сўзларни тўла ҳис қилиб, катта одамлар каби айта бошлади. Бу йилнинг мукофотлари фарзандим дунёси учун бир мўъжиза каби тақдим этилгандек бўлди.



**Фозил ФАРҲОД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ахборот хизмати бўлими бошлиғи**

Элгизимнинг ҳайратланишга арзигулик жамики жиҳатларини фақат сўзларда ифодалаш мушкул. Бир инсон сифатида айтаманки, мен бахтиёр отаман ва бу йилнинг оиламизга келтирган яхшиликларидан миннатдорман.

2022 йил ҳаёт тарзим ва фаолиятимда ҳам самарали йил бўлди. 10 январдан бошлаб тўғри овқатланиш ва мунтазам жисмоний машқлар билан шуғулланишни одат қилдим. Ҳар куни 10 000 қадам юрдим, сузишга бордим, спорт залига қатнадим. Натижада вазним анча пастлади. Аввал 140/100 бўлган қон босимим энди 120/80 бўлди. “Ёшлар кундалиги”, “Янги Ўзбекистон”, “Ишонч” газеталарида бу ҳақдаги мақолаларим чоп этилди.

Июнь ойида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетига мустақил тадқиқотчиликка қабул қилиндим. Айни пайтда филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун “Оммавий ахборот воситаларида давлат тили масалаларининг ёритилиши” мавзусида диссертация ёзяпман.

2022 йил 28 декабрь куни “Йилнинг энг фаол журналисти” республика кўрик-танловида “Инсон қадрини улуғлашга бағишланган энг яхши материал учун” номинацияси ғолиби бўлдим. Ғолиблик шоҳсупасига мени олиб чиққан материал илмий раҳбарим Шерзодхон Қудратхўжа ҳақида ёзилган, 30 ноябрь куни “Ҳуррият” газетасида чоп этилган эссе эди. Бундан жудаям хурсанд бўлдим. Ёзаётганларимиз кимгадир маъқул бўлса ё уларни кимдир эътироф этса, қалам аҳли учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

2023 йил Ўзбекистон учун баракали йил бўлишини тилайман. Дунёдаги урушлар тўхташини, барча инсонлар бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиб яшашини истайман.

“ **Янги йилимиз “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номланди. Шундай экан, ҳар биримиз ўз фаолиятимиз давомида юртдошларимизни рози қилишни биринчи навбатдаги вазифамиз деб билмоғимиз лозим.**

## ОМАДЛИ ЙИЛЛАРДАН БИРИ

**Давлат БОБОНОВ, дзюдо бўйича жаҳон чемпиони**



2021 йил ҳам ҳаётимда кўплаб муваффақиятлар олиб келган йил сифатида қолганди. 2022 йилнинг энг унутилмас йил бўлиб қолишига эса Президентимизнинг ўзи кузатган мусобақада ғолиб бўлганим кифоя. Пешқадамлик, 90 килограмм вазн тоифасида илк бор италиялик рақибим Кристиан Парлатини енгиб, жаҳон чемпиони бўлганим учун ҳам якунланаётган йил ҳаётимда алоҳида муҳрланиб қолади.

Халқаро мусобақада зафар қучиб, давлати мадҳияси янграши ва байроғи баланд ҳилпирашини кўриш — ҳар бир спортчининг орзуси.

Ўйлайманки, 2023 йил ҳам спортдаги фаолиятимда омадли йиллардан бўлади. Ўз устимда бундан-да кўпроқ ишлаб, Ўзбекистонимиз байроғини жаҳон ареналарида янада юксак кўтариш учун бор кучимни аямайман.

## ЯНГИ УЙДА ЯНГИЧА ҲАЁТ БОШЛАЙМИЗ

**Баҳодир ИСРОИЛОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети 1-курс талабаси**

Якунланган йил оиламизнинг қўшалоқ қувончига гувоҳ бўлди. Ҳаётимда из қолдирадиган воқеадан бошлайдиган бўлсам, 2022 йилда акам сингари мен ҳам юқори — 183,7 балл йиғиб, Тошкент давлат иқтисодиёт университетига давлат бюджети асосида ўқишга қабул қилиндим.

Оиламизга дахлдор қувончли воқеа эса субсидия маблағи ёрдамида янги уй сотиб олганимиз бўлди. Неча йилдан буён тор, кичкина ҳовлида яшаб келаётгандик. Насиб қилса, янги йилда, янги уйда янгича ҳаёт бошлаймиз.



**Нилуфар ҚОБИЛЖОНОВА, Тошкент шаҳар Олмазор тумани**

## ГЎЁ ТУШ КЎРАЁТГАНДЕКМАН

2022 йил оиламиз билан узоқ кутган орзумизга эришдик. 15 йилдан ошдики, кичкина ҳовлида 3 та оила амаллаб яшаётгандик. Биз ҳам янги уйли бўлайлик, эмин-эркин, ўз оиламиз билан яшайлик, деб дуолар қилардик. Ҳар нарсанинг ўз вақти-соати бор экан, 2022 йилда дуоларимиз ижобат бўлди.

Кимлар учундир янги уй олиш, кўчиб ўтиш ва унда янги ҳаёт бошлаш оддий ҳолдир. Аммо шахсан мен учун янги уйда ҳаёт бошлаш шунчаки бўлмади. Бизга ўхшаб узоқ йиллардан сўнг уйли бўлган одамлар “гўё туш кўраётганга ўхшайман”, деса ишонгим келмасди.

“ Ҳақиқатан, шундай бўлар экан. Шунинг учун хаёлларимизни ҳақиқатга айлантирган 2022 йилни оиламиз учун тарихий йил, десам адашмаган бўламан.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

МАТОНАТ ТИМСОЛИ

# “ҚАЧОН САМОЛЁТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙСАМ, ШУНДА ТИН ОЛАМАН”

## Тадбиркорнинг бу борадаги аҳди қатъий



**Ҳар биримиз болалигимиздан олдимизга қатъий бир мақсад қўйиб, бирор касб эгаси бўлишга интиламиз. Интилиш ўз устимизда тинимсиз ишлаш, касб сирларини пухта ўрганишимиздир. Аммо баъзан тақдир айро тушиб, севган касбимиз қолиб, бошқа бир фаолият билан шуғулланишимиз ҳам мумкин. 70 ёшни қаршилаган фарғоналик тадбиркор Абдураҳмон Ниёзовнинг касбий фаолияти бунга ёрқин мисол. Абдураҳмон отанинг асли касби — жарроҳ.**



* * *

1998 йилнинг серёғин куз кунларидан бири эди. Сурункали шамоллашдан азият чекиб юрган Абдураҳмон ота оёқларида қандайдир увушиш, оғриқни ҳис қилди. Эртага дам олиш куни, ҳозир беморларга қарасам, кейин бемалол дам оламан, деган ўй билан ишини давом эттирди. Дам олиш куни ўзи севган хурмо дарахти тагига ўриндиқ қўйиб ўтирди. Манзара дилига кўтаринкилик берарди. Шу кезда кеча шифохонада бўлган ҳолат такрорланди. Бел ва иккала оёқда кучли увушиш, оғриқлар пайдо бўлди. Аммо бу сафар ҳа деганда ўтиб кетмади, зўрайди. Фалажлик бошланган эди.

Шифокорлар Гийен-Барре синдроми ташхисини қўйди. Аммо Абдураҳмон ота тушкунликка тушмади. Бир йил ҳеч қандай ҳаракатсиз тўшакда ётди. Кейинчалик аввал қўлларини, сўнг оёқларини ҳаракатга келтиришга уринди. Бу борада шифокорларга берган саволларига кўп ҳолларда умидсиз жавоб олар, аммо таслим бўлгиси келмасди. Буни уддалади ҳам. Ўтира олар, қўллари билан бирор юмушни бемалол бажарарди.

Аксига олиб, Абдураҳмон ота учун керак бўлган аравачанинг топилиши жуда қийин бўлди. Шунда бундай аравачага эҳтиёжмандлар кўпчиликни ташкил қилиши, уни ишлаб чиқаришни ўзи йўлга қўйиши мумкинлиги ҳақида ўйлай бошлади. Қўлбола аравача ясаб кўрмоқчи бўлди. Тайёр аравачадан андаза олиб, бозордан велосипед ғилдиракларидан харид қилиб, металл қувур ва зарур эҳтиёт қисмлар тайёрлаб, токарь, фрезерчи, пайвандчи ва бошқа мутахассисларни ишга жалб этди, ўнта аравачанинг тажрибавий нусхасини ясади. Аравачалар заводникидан деярли фарқ қилмасди. Бир зумда харидорлар ҳам чиқиб, талаш бўлиб кетди. Шу тариқа аравачада ўтирган ҳолида ҳам ногиронлиги бор юртдошларимиз дуосини олди, ҳам яхшигина даромад қилди. Аввалдан асаларичилик ва мармар тоштарошлиги билан шуғулланиб келаётган оилага энди яна бир даромад манбаи қўшилди.

Маҳалладошларининг таъкидлашича, суяги меҳнатда қотган бу инсон қай ишга қўл урмасин, албатта, уддасидан чиқади. Синов учун ясаган маҳсулотлари кўпчиликка маъқул бўлган Абдураҳмон ота энди уни такомиллаштириш, бизнесни кенгайтириш ҳақида ўйлай бошлаганди. Бу ишни ривожлантириш учун завод керак эди.

Тадбиркор борки, барчасини энг кўп чўчитадигани — бирданига катта бизнесни бошлаш. Аммо қаҳрамонимиз бундай қилмади. Керакли ҳужжатларни тайёрлаб, фаолияти тугатилган Фарғона троллейбус паркининг механика участкаси жойлашган бинони унга туташ бўлган бир гектарга яқин ери билан “ноль” қийматда инвестицион мажбурият асосида хусусийлаштириб олди. На югур-югуридан қўрқди, на бизнеси касод бўлишидан. Шу тарзда Абдураҳмон аканинг “Сайқал” корхонасида ногиронлар аравачаси ишлаб чиқарила бошланди.

Асл касби шифокор бўлгани учунми, тадбиркорни кўпроқ ногиронлар, беморлар учун зарур бўладиган анжомлар ўйлантирарди. Импорт ҳисобига кириб келаётган ва катта харажатли маҳсулотларни маҳаллийлаштирсам, дерди. Пойтахтда ташкил этилган кўргазмадаги иштироки мана шу истакнинг амалга ошишида туртки бўлди. Германиянинг “AUDIFON” компанияси вакиллари билан келишиб, қўшма корхона ташкил қилди. Қулоғи оғирлар учун эшитиш мосламалари ишлаб чиқариш бўйича етакчилардан бири билан имзоланган келишувдан сўнг республикамизда илк бор Фарғона шаҳрида замонавий қулоқ аппаратлари ишлаб чиқарила бошланди. “UD-Audifon” қўшма корхонасида, аввало, мижознинг эшитиш қобилияти замонавий аудиограмма ускуналари ёрдамида текширилади, кейин эса хоҳишига биноан, қулоқнинг ташқарисига ёки ичига ўрнатиладиган эшитиш мосламаси танланади. Юмшоқ наноматериалдан ясалган қобиқ фойдаланувчига ноқулайлик туғдирмайди. Бугунги кунга келиб, “UD-Audifon” қўшма корхонасининг пойтахтимиз ва деярли барча вилоятларда филиаллари ташкил этилган.

— Аравача бўлса, ногиронлиги бор кўплаб инсонларнинг ишлаши, меҳнат қилишига имкон яратилади, деб ўйлардим, — дейди отахон. — Ахир қанчадан-қанча қўлигул, аммо имконияти чекланган инсонлар бор. Уларга озгина шароит қилиб берсангиз, ўз ҳунаридан зар ундиради. Биз завод фаолиятини йўлга қўйган вақтимизда маҳсулот фақат четдан олиб келинарди. Эшитиш мосламаларини ишлаб чиқаришимизга ҳам кўпчиликнинг эҳтиёжи импорт ҳисобига қопланаётгани сабаб бўлган. Асл касбим шифокор бўлгани учун ҳам бу борадаги камчиликларни яхши ҳис қилардим. Мосламаларнинг хориждан олиб келиниши биринчи муаммо бўлса, уларнинг бир йилдан сўнг ишдан чиқиши яна бир ташвиш. Бизда сервис хизмати йўқ, уларни тузатиш мушкул. Яна янгисини сотиб олиш катта харажат. Фаолиятимиз такомиллашиб боргач, мана шу хизматни ҳам йўлга қўйдик. Ҳозир ногиронлар учун мўлжалланган олти турдаги аравача ва эшитиш мосламаларини давлат буюртмасига кўра тайёрлаймиз. Мени қувонтиргани, давлатимиз ногиронлиги бор шахсларга мўлжалланган маҳсулотларимизни пулга сотиб олиб, эҳтиёжмандларга текинга тарқатади, шу орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларини қўллаб-қувватлайди. Мана шу ислоҳотнинг ўзи кўпга ибрат бўлгулик.

Корхона ташкил этилиб, эшитиш мосламалари ишлаб чиқарилаётгани 16 йилдан буён қанчадан-қанча одамларнинг қувончига сабаб бўлди.

Буни қарангки, профессор Абдураҳмон Ниёзовнинг саъй-ҳаракатлари билан нафақат эшитиш мосламалари ишлаб чиқарилмоқда, балки пойтахтимизда “Эшитиш маркази” ҳам ташкил қилинган. У ерда ногиронлиги бўлган шахслар реабилитация қилинади, улар билан сурдопедагог, дефектолог ва бошқа тор доира мутахассислари иш олиб боради. Ҳаёти ибратга тўла тадбиркор бир муддат ҳам ҳаракатдан тўхтамайди.

— Турмуш ўртоғим шол бўлиб қолганида бу дардни енгиб ўтишига ишонмаганмиз, — дейди Мавлуда Тошматова. — Аммо умид инсонга куч берар экан. Баъзан шунча заводлар фаолиятини йўлга қўйдингиз, энди дам олинг, десам, “Қачон самолёт ишлаб чиқаришни йўлга қўйсам, шунда тин оламан”, дейди. Фарзандларим ҳам отасидан ибрат олган, меҳнатдан қочмайди.

2006 йил корхона фаолияти йўлга қўйилганида Эркин Сиддиқов бу ерга оддий қоровул сифатида ишга келганди. Ўша кезлар у Фарғона политехника институтида ўқир, талаба эди. Ҳозир муҳандис. Ўзининг айтишича, завод фаолияти унга катта мактаб бўлган.

— Дастлаб бу ерга келганимда маҳсулотларга талаб юқори деб ўйламаганман, — дейди Э.Сиддиқов. — Эшитишда муаммоси бор инсонлар ўзига керак аппаратларни бошқа жойлардан излаётганини кўргач, мана шу йўналишни давом эттиришга аҳд қилдим. Корхонамиз раҳбарининг қўллаб-қувватлаши сабабли Германияда ўқиб, замонавий технологияларни ўрганиб келдим. Ҳозир ишимизга яраша даромадимиз ҳам яхши. Қолаверса, кўпчиликнинг қувончига сабаб бўладиган фаолият билан шуғулланаётганимдан хурсандман. Илк бор эшитиш бахтига муяссар бўлганлар, уларнинг яқинлари қувончини кўрсангиз эди... Бу ҳаяжонни сўз билан таърифлаш қийин.



* * *

Қоғоз ишлаб чиқариш учун дунёда кўплаб дарахтлар кесилиб кетади. Атроф-муҳитга катта зиён етади. Унинг асосий хомашёси — ёғоч целлюлозаси. Юртимизда эса тошдан қоғоз ишлаб чиқарилмоқда.

Маълумотларга кўра, жаҳон қоғоз саноатининг эҳтиёжлари учун ҳар йили 1 миллион квадрат километрдан ортиқ ўрмон кесилади. Бунда асосий хомашё билан бирга жуда катта ҳажмда сув, улкан энергия захиралари сарфланади. Буларга заҳарли чиқиндиларни ҳам қўшсангиз, тошдан қоғоз ишлаб чиқаришнинг афзалликларини чамалаш мумкин. Бу жараёнда битта ҳам дарахт кесилмайди, сув ишлатилмайди. Тош ва полимерлардан фойдаланилади, холос.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида юртимизга хорижий давлатлардан қиймати 281,5 миллион долларлик 189,2 минг тонна қоғоз ва картон импорт қилинган. Ҳажм ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда, 22,6 минг тоннага ошган.

Табиатан синчков Абдураҳмон ота Хитойнинг Тайвань оролида тошдан қоғоз ишлаб чиқариш технологияси яратилганидан хабар топди. Изланишлари сабаб шу технология эгалари билан алоқа ўрнатди. Ниҳоят 2019 йилнинг февраль ойида “Fergana stone paper” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасини таъсис этиш бўйича ҳужжатлар имзоланди.

Давлатимиз раҳбарига 2019 йил 6 май куни Фарғона вилоятига ташрифи чоғида тошдан қоғоз ишлаб чиқариш лойиҳаси тақдимот қилинган эди. 2021 йил февраль ойида эса ушбу завод ишга тушди. Очилишида давлатимиз раҳбари шахсан иштироки тадбиркорга катта куч, ишонч ва шижоат берди.

— Президентимиз: “Сиз ҳақингизда кўп эшитганман, телевидениеда кўп кўрганман. Сизга ғойибона меҳрим тушган. Ўзингиз билан юзма-юз кўришишни орзу қилардим, мана, эришдим”, деганида ўзимни жуда бахтиёр ҳис қилганман, — дея эслайди отахон. — Биласизми, халқимизда “Арғумоқ бирда ёлли, бирда ёлсиз. Эр йигит бирда молли, бирда молсиз”, деган мақол бор. Мол фақат бойлик эмас, соғлиқ, қалб осойишталиги, турли ташвишлардан холи яшаш ҳам. Мана шу бойликлардан маҳрум бўлганда ўзни йўқотмаслик, уларни ҳаёт синови сифатида қабул қилиб, тушкунликка тушмасликни англатади.

Абдураҳмон ота Самарқанд вилоятидан мармартош олиб келиб, плита кўринишига келтирар эди. Ана шу тошларнинг қириндиси, яъни чиқинди тош маҳсулотнинг хомашёси бўлди. Тошдан қоғоз ишлаб чиқариш лойиҳаси нафақат республикамиз, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам ягонадир. Юртимиз бу йўналиш бўйича Хитой, Тайвань, Эрон ва Япониядан кейинги бешинчи давлат. Маҳсулотнинг афзалликлари талайгина. Целлюлоза қоғоз тайёрлаш учун ишлатилган сув заҳарли моддалар сабаб яроқсиз бўлиб қолади, чиқитга чиқади. Оддий қоғозга нисбатан тошдан олинган қоғознинг чидамлилиги ҳам юқори. Ўзидан сув ўтказмайди, доғ юқмайди. Матбаачилик, қадоқ ва гулқоғоз ишлаб чиқаришда жуда қулай. Нархи ҳам анча арзон.

Бундай қоғоз экологик тоза маҳсулот бўлгани учун ҳам ташқи бозорда харидоргир. Маҳсулот Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркия ва Эронга экспорт қилинмоқда. Польша, Германия, Болгария, Украина ҳам Фарғона тошқоғозига қизиқиш билдирмоқда.

— Кўпчилик менга савол беради: бирданига бир нечта фаолиятни бошлашдан қўрқмайсизми? Катта маблағ сарфлаб, бир бизнесни бошлаш, албатта, одамни ўйлантиради. Лекин мен бундан чўчимайман. Биргина мисол, биринчи корхонамни очганда, икки ой деганда зўрға давлат рўйхатидан ўтказган эдик. Ҳозир бу иш учун бир кун ҳам сарфламайсиз. Демак, имкониятлар кенгаймоқда. Шундай бўлгач, нимадан қўрқаман. Мен доим улкан режалар тузишга, катта мақсадлар сари одимлашга уринаман. Ногиронлик аравачасида ўтириб ҳам бизнес бошлашдан қўрқмаслик учун, албатта, юрт берган ишонч керак, — дейди Абдураҳмон ота.

Инсоннинг сабри, матонати мустаҳкам бўлса, ундаги бошқа фазилатлар ҳам юзага чиқа бошлайди. Аксинча бўлса, кўп жиҳатдан ютқазамиз.

Баъзан ҳаёт зарбалари, ташвишлари олдида ўзимизни ожиз ҳис қиламиз, тушкунликка тушамиз. Ҳаётдан нолиб, айб қидира бошлаймиз. Бироқ инсон — матонати, сабр-бардоши билан инсон. Ана шундай юксак намунали одамлар сизу бизнинг ёнгинамизда, замондошлар орасида кўп. Улар фаолиятидан олинадиган ибрат ҳам кишига куч беради.

**Феруза ЖЎРАЕВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

# МАҚСАДЛАР МУВАФФАҚИЯТГА ЧОРЛАЙДИ

**Олтиариқ туманидаги “Ғафforжон нурли келажаги” фермер хўжалиги раҳбари Орзихон Нурбоева “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилган “Анор — 2022” республика кўрик-танловида “Энг яхши фермер” номинациясида биринчи ўрин соҳиби бўлди.**

Ғалабалар, муваффақиятлар ўз-ўзидан келмайди, албатта. Аввало, фидойилик, ишонч ва ташаббус, янги марра ва мақсадлар ютуқларга қанот бўлади. Оддий деҳқон оиласида ўсиб улғайган Орзихон бу кунларга етиб келгунча ҳаётнинг кўплаб синовларини бошидан ўтказди. Йўғигаю борига шукр қилиб яшашга ўрганди, бошқаларни ҳам шунга даъват этди.

Фермер Олтиариқнинг Қизилтепа массивига туташ чўл ҳудудда “Ғаффоржон нурли келажаги” фермер хўжалигига асос солганига кўп бўлгани йўқ. Лекин шу фурсат давомида чўл ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экин ҳосилдорлигини ошириш борасида тиним билмади, изланди, имконият қидирди. Аёл боши билан эрта тонгда дала кезди, экин ҳолатини ўрганди, ишчилар билан суҳбатлашиб, кези келганда қўлига кетмон олиб ёнларида турди. Сабаби, бу ердаги ҳар бир туп ниҳол унга қадрли. Эсини танибдики, далада кетмон чопди, ягана, чопиқ, чилпиш, пахта териш ишлари билан шуғулланди. Хуллас, бундай юмушлар унга бегона эмас.

Тўғри, ҳамма иш хамирдан қил суғургандек осон битгани йўқ. Меҳрибон она жимитдек жонини ҳовучлаб ҳаёт синовларида тобланди, ҳалол меҳнат, изланишлари туфайли одамлар меҳрини қозонди. Дастлаб уй шароитида сигир боқиб, фарзанд ва яқинлари кўмагида “Орзихон” ёрлиғи билан сут ва қатиқ маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйди. Ҳалол меҳнат билан рўзғор тебратиб, кўпга ибрат бўлди. Энг муҳими, ўз кучи, билим ва имкониятига ишончи мустаҳкамланди.

— Кластер бўлганидан кейин ишимиз анча енгиллашди. Минерал ўғит, техника учун ёқилғи кабиларни ўз вақтида оляпмиз. Бу йилдан ғалла нархи ошгани имкониятларимизни янада кенгайтирди. Ўтган йили бир тонна донни 1500 сўмдан сотганмиз. Бу йилдан эркин бозор нархида 3000 сўмдан сотдик, меҳнатимизга яраша манфаат топяпмиз, — дейди Орзихон. — Яхши ҳосил олиш учун, аввало, ерга меҳр бериш, меҳнат қилиш, ҳаловатдан кечиш керак.

Фермер хўжалиги дастлабки йилнинг ўзида пахтадан 30 центнер, ғалладан 50 центнердан ортиқ ҳосил олди. Шартномадан ортган аксарият ғалла фермер хўжалиги аъзолари, кам таъминланган оилаларга бўлиб берилди. Натижада одамларнинг фермер опага бўлган ишончи ортди.

— Турмуш ўртоғим, икки қанотим бўлган ўғилларим билан ҳамжиҳатликда меҳнат қиляпмиз. Аввалига улар фермерлик ишига бир оз қаршилик ҳам қилди. Иш оғир, вазифа юки, масъулияти катталигини бот-бот такрорлашди. Аммо соҳага меҳримни кўриб, хайрихоҳ бўлишди. Ҳозир улар менинг энг яқин кўмакчим, маслакдошимга айланган, — дейди фермер. — Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ва Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан йўллаган байрам табриги, сарҳисоблар, галдаги вазифаларни тинглаб, энди эскича қарашлар билан ишлаб бўлмаслигига амин бўлдим. “Биз қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни қатъий давом эттирамиз”, деди давлатимиз раҳбари Мурожаатномада. Демак, соҳада



ислоҳотлар давом этади. Ислоҳот — янгича ишлаш, янгича яшаш дегани.

“Ғаффоржон нурли келажаги” фермер хўжалиги кўп тармоқли бўлишга интилмоқда, чорвачилик, асаларичилик, боғдорчилик йўналишларини ташкил этишга уринмоқда. Шу мақсадда Германиядан 80 бош зотли қорамол олиб келинди. Ҳар кун 400 литрдан кўпроқ сут соғиб олиняпти. Истиқболли лойиҳалар дастурига кўра, фермер келаси мавсумда сут маҳсулотларини қайта ишлаш кичик корхонаси фаолиятини йўлга қўйиш, 500 тонна сиғимли мева-сабзавот омбори қуришни кўзлаб турибди. Шу каби изланувчанлиги сабаб “Ташаббус” кўрик-танловида бир неча бор туман, вилоят босқичи ғолибаси бўлди.

— У нафақат фаол, фидойи аёл, балки ибратли оиланинг бахтли бекаси, қўли очиқ, саховатли фермер сифатида ҳам кўпнинг дуосини олмоқда, — дейди “Жонибек” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли Муҳаббат Йўлдошева. — Фермер ташаббуси билан қишлоқ аҳолиси учун тоза ичимлик сув чиқарилди. У ички кўчаларга шағал ётқизиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишларига бош-қош бўлиб келмоқда.

Сўзимиз аввалида “чўл ер” иборасини ишлатгандик. Бугун манзара, ҳолат ўзгарган. Энди бу ҳудудга келган кишини тиканли чакалакзор, қақраб ётган ер эмас, балки равон йўл, дала ва сув ёқалари бўйлаб бир текис экилган мевали ва манзарали дарахтлар қарши олади. Муҳташам дала шийпонида хўжаликнинг 35 нафар аъзоси учун зарур шарт-шароит яратилган.

Янги Ўзбекистоннинг шиддатли ҳаётида фаол иштирок этаётган замондош фермернинг амалий ишлари, эзгу ташаббуслари ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Чўлда дур ундириб, боғу бўстон қилган, элга ризқ-рўз улашаётган кишилар саъй-ҳаракати билан олис ва чекка ҳудудлар янада обод бўляпти, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқлари бўй кўрсатиб, аҳоли бандлиги таъминланмоқда.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШ

# ЭРТАСИ УМИДБАХШ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ЮРТ

**Хорижлик педагогларни жалб этган ҳолда, таълимга чет эл тажрибасини олиб кириш ва ўзимизда ҳам қўллашга алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда хорижий олийгоҳда деканлик лавозимида ишлаган ўзбек аёли Мунира Аминова билан “Ватандош” ташкилоти ёрдамида суҳбатлашдик. Қаҳрамонимиз Президентимизнинг “Халқаро қишлоқ хўжалиги университетини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида жорий йил май ойида фаолият бошлаган янги олийгоҳда ректорлик вазифасини бажариш баробарида соҳага илғор хориж тажрибаларини татбиқ этишга ҳам ҳисса қўшмоқда.**



### Илм сабаб чет элда қолиб кетдим

— Самарқанддаги оддий ўрта мактабни тамомлаганман. Инглиз тилини китобдан ўрганиб, шаҳримиздаги чет тиллар институтига ўқишга кирдим. 2-босқичда ўқиётган пайтим Тошкент давлат техника университетига ҳужжат топшириб, таҳсилни шу ерда давом эттирдим.

1998 йил. Ҳали қўшма дастур ёки бирор халқаро факультет, олийгоҳлар бўлмаган пайтлар. Малайзиядан профессорлар келиб, Тошкент давлат техника университети ҳузурида Малайзиянинг “Ренонг Берхард” компанияси билан бизнес бошқаруви факультетини ташкил қилган. Омадим келиб, ана шу факультетга ҳам қабул қилиндим. Унда дарслар чет эллик профессорлар томонидан тўлиқ инглиз тилида ўтилган. “Умид” жамғармаси орқали чет элларда ўқиб келган талабаларга ҳавас қилиб, 2-3 бор шу жамғармага ҳам имтиҳон топшириб кўрганман. Жамғарма кўмагида Буюк Британиянинг Бирмингем университети магистратурасини тамомладим. Тошкентга қайтиб, иш фаолиятимни Молия вазирлигида бошладим. Ўша пайтда ўзимизда ҳам Вестминстер университети энди очилганди. Мени ҳам янги университетга профессор сифатида ишга қабул қилишди. Кейин Мулк қўмитасида ишладим. Қўмита 6 ойлик дастур доирасида АҚШга юборди. Ундан сўнг 3 йиллик Эрасмус дастури билан Бельгиянинг Вриже университетига кетдим. Дастурни якунлаб, илмий унвонга эга бўлганимдан кейин шу университетда ишга олиб қолишди.

### Ватанга қайтиш истаги бир нафас тарк этмаган

Шу тариқа қаҳрамонимиз чет элда фаолиятини бошлади.

— *Ўзга юртнинг ҳавоси, турмуш тарзи, қолаверса, маданиятига мослашиш осон эмас, сиз учун Бельгия ҳаётига кўникиш қай даражада кечди?* — деб сўраймиз ундан.

— Ўзбекистондан бориб хорижда, айниқса, Европада яшаш жуда қийин. Яқинларимизни соғинамиз, кўргимиз, дилдан суҳбатлашгимиз келади. Шунинг учун икки йил давомида фақат Ўзбекистонга қайтадиган кунларни санаб, вақт ўтказдик, — дейди Мунира Аминова. — Ҳар байрамда она юртимизга келардик. Учинчи йилдан Бельгияга кўника бошладик. Болалар баҳона мактабда ота-оналар билан мулоқот қилишга тўғри келди. Бельгияда репетиторга бориш йўқ, ўрта мактаб юкламаси эса жуда оғир. Баъзи пайтларда уй вазифаларига ёрдам берадиган махсус муассасаларга боришга тўғри келади. Топшириқларни ота-оналар мунтазам назорат қилиб боради. Ҳар хил тадбирларга қатнашиш, болаларни турли гуруҳларга қўшиш, умуман, ижтимоий ҳаётга мослашиб кетиш учун Бельгия маданияти, қонун-қоидаларини чуқурроқ ўргана бошладик. Лекин Ўзбекистонга қайтиш нияти бизларни бир муддат тарк этмаган.

Бельгияда солиқлар нисбатан анча кўп ва юқори — ойлик маошга қараб 30 фоиздан 45-50 фоизгача. У ерда кишини ушлаб турадиган жиҳат — яқинроқда жойлашган давлатларга чиқиш имконияти борлиги. Яъни машинада, поезд, автобус ёки арзимаган пулга самолётда 2-3 соатда кўп давлатларга бориб келиш, дам олиш ва саёҳат қилиш мумкин. Шанба, якшанба кунлари бемалол музейларни, диққатга сазовор жойларни томоша қилсангиз бўлади. Қисқача айтганда, Бельгияда транспорт хизмати жуда яхши йўлга қўйилган.

* * *

— *Мутахассислигингизга кўра, молия соҳасида ишлагансиз. Аграр соҳада фаолият юритиш қийинлик туғдирмайдими?*

— Тўғри, аграр соҳа мен учун янги, лекин олий таълимда 20 йилдан зиёд тажрибага эгаман. Ўзбекистон, Европа, Буюк Британия ҳамда АҚШ таълим тизимларида ишлаганман. Ҳар бирининг ўзига хос ижобий ва салбий жиҳатлари бор. Тошкент давлат аграр университетида ректор маслаҳатчиси бўлиб ишлаганим соҳанинг ўзига хос хусусиятларини Германия, Нидерландия ва Буюк Британия моделлари билан таққослашимга ёрдам берди.

— *Сиз таклиф қилинган, янги очилган Халқаро қишлоқ хўжалиги университети истиқболини қандай тасаввур қиласиз?*

— Янги университет ўзбекистонлик ёшларнинг аграр соҳадаги энг охирги ютуқлар ва илмий изланишлар натижалари базасида билим эгаллашига йўналтирилган. Дарсларнинг инглиз тилида ўтилиши талабаларнинг бу борадаги билимини янада ўстириб, дунёдаги янгиликлардан, илм-фан ихтироларидан бохабар бўлишига ёрдам беради. Уларнинг халқаро бизнес ва тижорат ишларини юритишига, ҳамкорлар топиб, улар билан яқин алоқа ўрнатишига катта устунлик беради.

Бундан ташқари, талабалар нафақат илм, балки кўникма ҳамда малакага эга бўлади. Жумладан, танқидий таҳлил, тақдимот маҳорати, нутқ кўникмаларига эга бўлиши кўзда тутилган.

Энг муҳими, соҳага фидойи, давлатимизни дунёга танитадиган ёш авлод вакилларини тайёрлаш янги халқаро университетнинг бирламчи мақсади этиб белгиланган.

Эндигина фаолият бошлаган бўлса-да, Халқаро қишлоқ хўжалиги университети якунланаётган йилнинг 2 декабрь куни “Озиқ-овқат хавфсизлиги ва барқарор ривожланиш” мавзусидаги халқаро конференцияга мезбонлик қилди. Анжуманда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа манфаатдор мамлакатлардаги университетларнинг экспертлари ва тадқиқотчилари, шунингдек, озиқ-овқат саноати вакиллари (кластерлар, фермерлар, улгуржи савдогарлар, экспортчилар ва бошқалар) иштирок этди. Конференцияда Сингапур бизнес палатаси делегацияси Шарқий ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида озиқ-овқат маҳсулотлари савдосига оид масалалар ҳақида тақдимот қилди.



Айни пайтда 19 та давлатнинг аграр университетлари ректорлари иштирокида 2023 йилнинг баҳорида ўтказиладиган “Аграр йўналишда таълим келажаги” номли конференцияга тайёргарлик кўряпмиз.

— *Президентимиз бу йилги Мурожаатномасида “Биз қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни қатъий давом эттирамиз. Агар шу ислоҳотни қилмаганимизда, бозор ва дўконларимиз ҳозиргидек тўкис бўлармиди, экспорт шу даражага етармиди, жон бошига даромад ўсармиди?”* деди.

*Ислоҳотларни изчил давом эттириш, соҳани етук, малакали кадрлар билан таъминлаш бу борада асосий вазифалардан, тўғрими? Шу маънода, бугун Ўзбекистоннинг аграр тизимига қандай кадрлар керак?*

— Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиёти учун жуда муҳим йўналиш. Ялпи ички маҳсулотнинг 24 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалиги асосида шакллантирилади. Аҳолининг тахминан 24 фоизи шу соҳада меҳнат қилади. Президентимиз айтиб ўтганидек, 1 миллион 200 мингдан зиёд одам қишлоқ хўжалигидан даромад топяпти. Шундай экан, соҳада кадрлар етишмаслиги табиий. Олий таълимда ҳам қишлоқ хўжалиги бўйича сўнгги тадқиқот натижалари, илмий ва амалий адабиётлар камлиги муаммоси мавжуд. Яқин кунларга қадар совет адабиётларига таяниб дарс берилган, улардан фойдаланилган. Лекин бу адабиётлар дунё миқёсидаги инновациялар ёки қишлоқ хўжалиги йўналишидаги янгиликларга эришишга имконият бермайди. Шунинг учун дунё миқёсидаги янгиликларни билиш ва уларни ҳар куни татбиқ қилиб бориш учун, албатта, инглиз ёки бошқа тиллардаги хорижий адабиётларни ўқиш ва тушуниш қобилияти жуда муҳим. Афсуски, Ўзбекистоннинг аграр тизимида хорижий тилларни ўзлаштирган, хорижий билим ва кўникмаларга эга кадрлар етишмайди. Юртимизда аграр соҳа бўйича кўплаб янгиликлар қилинган, янги ўсимлик навлари, янги технологиялар ўйлаб топилган, лекин уларнинг жуда кам миқдори жаҳон ҳамжамиятига таништирилган. Сабаби, хориж тилини биладиган аграр соҳа вакиллари кам. Шу маънода, юқорида таъкидлаганимиздек, Халқаро қишлоқ хўжалиги университетининг асосий вазифаларидан бири — аграр соҳада инглиз тилини биладиган ва хорижий билим ва кўникмаларга эга кадрлар тайёрлаб бериш.

* * *

— *Миллийликни қай даражада қадрлайсиз?*

— Брюсселда қаерга борманг, қайси семинар, конференцияда бўлманг, биринчи сўраладиган савол қайси миллатга, қайси давлатга мансублигингиз. Лекин бу шаҳарнинг ўзида миллатсиз одамлар ҳам бор. Албатта, уларга қийин. Ота-онаси ёки бобо-бувилари ҳар хил миллатга мансуб бўлса, бола бошқа давлатда яшаса, бошқа тилда гапирса, у қайси миллатга ҳақлилигини ҳам аниқ билмайди-да. Биз эса ўзбекман, деб айта оламиз. Номини фахр билан тилга олгулик миллатимиз бор. Миллийлик, қадриятлар халқимизнинг қон-қонига сингган. Ўзини тутиш, муомала одоби, каттани ҳурмат қилиш кабилар шулар жумласидан. Ёзилмаган қоидага ўхшайдиган одатларимиз маҳаллаларда, оилада авлоддан-авлодга ўтиб бораверади. Эрталаб чой дамлаш, тўй ва бошқа маросимлардаги урф-одатлар ҳеч қаерда ёзилмаган, лекин уларни ҳамма билади ва риоя қилади. Бундай тартиблар ичида ўсган инсон эса ҳеч қачон миллийликни унутмайди. Шу сабабдан узоқ юртларда қадриятимизга яқинроқ бўлиш учун Ўзбекистон элчихонасига бориб, тадбирлар ўтказилишига имкон қадар кўмаклашардик. Умуман, миллийлигимиз билан боғлиқ ҳар қандай қадриятни юксак қадрлайман.

### Ўзбекистоннинг ҳавоси яхши кайфият бағишлайди

Ҳар сафар она юртимга келганимда кундан-кунга ривожланиб бораётган ва энг муҳими, тинчлик ҳукм сураётган, меҳмондўст давлатни кўраман. Брюсселда меҳмондўстлик йўқ, деса ҳам бўлади. Одамларга ишониш жуда қийин масала. Дунёнинг турли давлатларидан келган одамларнинг ўзига яраша маданияти бор. Уларга кўникиб олгунча анча вақт керак.

Шунингдек, у ерда криминал вазият жуда юқори. Айрим кўчаларда юриш тақиқланган. Масалан, сумкани қўлда олиб юриш керак, телефонни чўнтакка солиб юриш мумкин эмас, ўғирлаб кетишади.

Ўзбекистонда эмин-эркин юрамиз. Ҳавоси бетакрор, қуёшли кунлари кўп. Брюсселда жуда кўп ёмғир ёғади, ҳавоси тунд. Бундай об-ҳаво, доимий ёмғир кишида тушкунлик кайфияти уйғонишига олиб келади. Ўзбекистоннинг ҳавоси эса ҳар қандай кишини хурсанд қилади. Иқлими мўътадил, тупроғи унумдор.

Меваларимиз жуда ширин, таъми бетакрор. Фақат улар экспортбоп бўлиши учун сертификациядан ўтказиш, ҳосилдорликни ошириш, логистикани янада яхши йўлга қўйишимиз керак. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва сифатини юқори даражада ушлаш учун эса стандартларимизни янада такомиллаштиришга тўғри келади.

* * *

Ҳар келганимизда, албатта, янги-янги бинолар, янги йўллар, янги боғлар, дўконлар, ресторанлар барпо бўлади. Бу янгиликларни кўриб ғурурланиб кетамиз.

Бундан 6-7 йил аввал Ўзбекистонда катта-катта савдо дўконлари — маркетлар деярли йўқ эди. Ҳозир бундай савдо мажмуалари сафи кенгайган. Болаларни олиб борадиган жойлар ҳам анча кўпайибди. Четдан қараган одамга бу каби ўзгаришлар аниқ кўринади. Энг муҳими, одамларимиз меҳмондўст ва самимий.

Бугун ўзбек ёшлари нафақат ўзбек, балки инглиз тилини ҳам яхши билади. Замонавий технологияларга асосланган соҳаларда тобора фаоллашиб, интеллектуал салоҳиятли аждодлар авлоди эканини намойиш этяпти. Янги-янги таълим муассасаларини тамомлаб, малакали кадр сифатида жамиятга қўшилаётган йигит-қизлар сафи кенгаяётганини кўриб, одам жуда хурсанд бўлади. Бу ҳаммаси Ўзбекистоннинг эртаси умидбахш, келажаги порлоқ эканидан далолатдир.

**Муножат МЎМИНОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ДИЛДАГИ ГАПЛАР




# КИТОБ — ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази Фарғона вилояти бўлими раҳбари**

**Куз, пахта йиғим-терими авж паллага кирган дамлар. Бағдод туманидаги фермер хўжалиги даласида “Ҳорманг, азиз пахтакорлар!” номли маънавий-маърифий тадбир ташкил этилиб, “Энг илғор теримчи” кўрик-танлови ғолиблари эълон қилинди. Кўпчилик маслаҳатлашиб, теримчига уй-рўзғор учун зарур маиший техника совға қилишни мақсад этдик. Бироқ теримчи биз тақдим этган қиммат совғалардан кўра, фарзандлари учун сара китоблар тўпламларини беришимизни сўради.**

Тўғриси, оддий, самимий қишлоқ аёлидан бундай таклиф, ташаббусни кутмагандик. Лекин ўз фарзандларининг бугуни ва келажаги, билим ва дунёқараши учун бу қадар жонкуяр бўлган матонатли она ташаббуси бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Фарғона вилояти бўлими томонидан ўтказиб келинаётган ҳар бир маънавий-маърифий тадбирда китобхонлик, китоб совға қилиш анъанага айланган. Китобхонлик, китоб мутолаасини тарғиб этиш, бу йўлда самарали натижаларга эришган китобхон ёшлар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

“Маърифат” тарғиботчилар жамияти тарғибот гуруҳлари жорий йилда вилоятдаги 4 та шаҳар ва 15 та тумандаги 689 та маҳалла ҳамда 397 та меҳнат жамоасида тадбирлар ўтказди. Бувайда, Бағдод, Учкўприк, Бешариқ, Ўзбекистон, Сўх, Данғара, Олтиариқ, Риштон, Фурқат туманлари, Қувасой ва Марғилон шаҳарларида янги “Маънавият ва маърифат маскани” ташкил этилиб, фойдаланишга топширилди. Зиё масканларида қизиқарли маънавий-маърифий кечалар, китобхонлик танловлари, ижодкорлар билан учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Барча умумтаълим мактабларида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими жорий этилгани ҳам бу борадаги ишлар салмоғини оширди. Улар томонидан мактабларда шеърият, наср, мусиқа, китобхонлик, театр актёрлиги, нотиқлик санъати, рассомлик, амалий санъат каби йўналишларда 1349 та тўгарак фаолияти йўлга қўйилиб, 21 мингдан зиёд ўқувчи қамраб олинди, кўплаб истеъдодлар кашф этилди. Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш, энг яхши тарғиботчилар иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида “Ижодий-маданий масалалар бўйича энг фаол тарғиботчи” танловининг вилоят босқичи ғолиблари аниқланди.

Бундан ташқари, шаҳар ва туманлар марказидан олисда жойлашган ҳудудлар аҳолисининг китобга бўлган талабини қондириш, бадиий, илмий, маърифий китоблар билан таъминлаш, кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини ташкил этиш учун 519 та кўчма кутубхона фаолияти йўлга қўйилди.

Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш мақсадида ҳудудларда 173 та клуб ташкил этилди. “Ёш китобхон”, “Ёш китобхон оила”, “Заковат” мусобақаларида саккиз мингга яқин ёш қатнашмоқда. 728 та китоб кўргазмаси ҳамда 95 та китоб савдо ярмаркасида 31минг 187 турдаги китоб аҳолига намойиш этилди, савдоси амалга оширилди.

Вилоятимизда мавжуд 1062 та маҳалла кесимида “Янги Ўзбекистон — инсон қадри улуғланган юрт” шиори остида ўтказилган маънавият фестивалида концерт дастурлари, театрлаштирилган томошалар, ижодий учрашувлар, миллий кино намойишлари, гала-концертлар ташкил этилди. Уларда 250 нафарга яқин таниқли ёзувчи ва шоир, маданият ва санъат намояндаси, киноижодкор, маънавият тарғиботчилари иштирок этиб, кенг жамоатчилик билан дилдан суҳбатлашди. Маданий-маърифий тадбирларга “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқаролар, уюшмаган ёшлар қамраб олинди.

Жамоат ва аҳоли гавжум жойларда 1700 дан ортиқ электрон китобнинг QR-коди кўрсатилган махсус таблолар жойлаштирилди. Бозорлар ва истироҳат боғларида “O‘qituvchi” бренди остида китобхонлар учун енгил конструкцияли “Марказий китоб дўкони” мажмуалари ташкил этилди. Маҳалла фуқаролар йиғинларида бепул Wi-Fi тизимига уланган “Зиё” китоб дўконлари фаолият кўрсатяпти. Бу амалий чора-тадбирлар натижасида аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китобхонликка қизиқиш сезиларли даражада ошди.

Бўлим томонидан ижодкорлар, олим ва ёзувчилар ҳамиша қўллаб-қувватланади. Хусусан, бўлим ҳомийлигида Фарғона давлат университети профессори, филология фанлари доктори, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Сиддиқ Мўминовнинг “Тиллашиш ва диллашиш”, Фарғона политехника институти проректори Мирзоҳид Ботировнинг “Энг ёруғ хат”, меҳнат фахрийси, ижодкор Омонжон Ҳошимовнинг “Соғинч”, М.Қўқонованинг “Ҳарир туйғулар” китоблари нашр этилди.

Маънавий-маърифий ишларда тарғибот тадбирлари ўрни ва самарадорлигини ошириш мақсадида “Мустақиллик менинг тақдиримда”, “Ватан учун яшаймиз”, “Янги Ўзбекистон ва мен”, “Қадринг баланд бўлсин, она тилим”, “Гербим — фахрим”, “Маънавий-маърифий ислоҳотлар натижадорлиги”, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”, “Учинчи Ренессанс”, “Янги Ўзбекистон — инсон қадри ва манфаатлари улуғланган юрт”, “Тил — миллат руҳи”, “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзуларида 3078 та маънавий-маърифий тарғибот тадбири ўтказилди.

“Маънавият фидойиларини ёд этиб” лойиҳаси доирасида маънавият фидойиси Тоҳиржон Абдураимовнинг ҳаёт йўли, ибратли амаллари ёдга олинди. Шунингдек, “Оналарга эҳтиром” фестивали, Қўқон адабий муҳитига бағишланган қизиқарли илмий-амалий анжуманларни ҳам аҳоли ва кенг жамоатчилик кўтаринкилик билан кутиб олди.



Якунига етиб бораётган йил кўплаб маънавий-маърифий тадбирларга бой бўлган эса-да, ҳали қилишимиз керак бўлган ишлар кўп. Янги йилда аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, “Маърифат зиёси” ижтимоий лойиҳасини амалга ошириш, буюк фақиҳ Бурҳониддин Марғиноний ижодий-маънавий меросини чуқур ўрганиш, унинг ҳаёти ва ижоди акс этган фильм намойишини ўтказиш ва яна кўплаб лойиҳаларни режалаштирганмиз. Мақсадимиз — одамларни, айниқса, ёшларни маърифатга, маънавиятга, китоб ўқишга жалб қилиш, шу йўл билан улар қалбида юртга, қадриятларимизга муҳаббат уйғотиш.

МУЛОҲАЗА



# Илм ила ўзликка қайтиш

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**



**“Мана энди, кеч бўлса-да, яна ўзимизга, ўз тажрибамизга қайтмоқдамиз. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2023 йилда таълим соҳасини жиддий ислоҳ қилиш, ёш авлод тарбиясида аниқ самарага эришишни жамият, миллат олдида турган муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этди.**

Бошланиши 1-бетда



Илмий-техника тараққиёти мисли кўрилмаган даражада ривожланаётган, одамларнинг онг-тафаккури, турмуш тарзи жиддий ўзгарган, бу ўзгариш шиддатли тус олиб, ақл-идрокнинг янги тўлқинлари ҳаётимизга шитоб билан кириб келаётган шароитда фақат бугунни ўйлаб яшаш камлик қилади. Шонли тарихимизнинг маънавий-ахлоқий сабоқлари, улуғ аждодларимиздан қолган мерос — Амир Темур тузуклари, “Аллоҳнинг қўшниси” мақомига сазовор бўлган Замахшарийнинг “Ахлоқсиз одамлар кўпайган жойда Яратган уларга турли офат, бало ва мусибатларни юборади”, деган огоҳи, Али Қушчининг ҳисоб рисолалари, ислом маданиятига рақам ёзиш тизимини татбиқ этиб, саноқ тизимига нолни қўшган ал-Хоразмийнинг зеҳний идроки, Берунийнинг “ақл машъали”, Улуғбекнинг “Зижи Кўрагоний”, Алишер Навоийнинг ўлмас гуманистик ғоялари, Заҳириддин Бобурнинг назокатли фалсафаси, мусулмон Андалусия олимларининг оламшумул ихтиролари ҳамиша ёдимизда ва ёнимизда бўлиши керак.

Буюк Британия қироллик тахтига ўтирган Карл IIIнинг 1993 йили Оксфорд университети ҳузуридаги Ислом тадқиқотлар марказида сўзлаган “Ислом ва Ғарб” нутқида бундай иқрор бор: “Биз исломни Ғарбнинг душмани, ғаним ва бегона маданият, жамият ва эътиқод тизими сифатида кўришга интилганимиз туфайли унинг тарихимизга кўрсатган муҳим таъсирини унутиб қўйдик. Мусулмон Испания қадим Юнон ва Рим маданиятининг зеҳний меросини асраб қолгани баробарида мазкур билимларни қайта изоҳлаб, ривожлантириб, бутун дунёга тарқатди. Британияда қирол Альфред таомларни тўғри тановул қилиш тўғрисида ислоҳотлар ўтказаётган бир пайтда мусулмон Испанияда китобларни абонемент бўйича олиш йўлга қўйилган кутубхоналар мавжуд бўлган. Бугун ўзидан фахрланаётган Европанинг кўп хислатлари бевосита мусулмон Испаниядан ўзлаштирилган”.

Машҳур маърифатпарвар олим Исмоилбек Гаспринский қаламига мансуб “Дор ур-роҳат мусулмонлари” асарида исломнинг Ғарб маданияти ва умуман, дунёвий илм-фан тараққиётига қўшган бемисл ҳиссаси ғоят таъсирчан мисоллар ёрдамида очиб берилади: “Андалусияда мусулмонлар юритган одилона сиёсат натижасида ушбу ўлка Европа ва Осиё давлатларига анча йиллар намуна бўлиб турган, илм-фан, қурилиш беқиёс тараққий топган, 800 дан ортиқ мадрасада олим ва донишмандларнинг турли анжуманлари муттасил ўтказиб турилган. Биргина шаҳар ҳокимининг шахсий кутубхонасида 600 мингдан ортиқ китоб бўлган. Мамлакатдаги етмишдан ортиқ кутубхонада сақланаётган китоблардан аҳоли, талабалар бемалол фойдаланган. Европа мамлакатларидан фаранглар Андалусга келиб, мусулмон мадрасаларида илм ва ҳунар ўрганган. Шу сабабли Андалус мусулмонлари Европанинг маданияти ва жадидаси (янги маданияти) юксалишига асосий сабабчи бўлган. Улар Европанинг муаллим ва устозлари ҳисоб этилсалар жоиз... Юнон маданияти Европадан аввал ислом дунёсига ёйилди, мусулмонлар уни тараққий эттириб, камчилик ва нуқсонларини камайтириб, Европага топширди”.

“Дор ур-роҳат мусулмонлари”да келтирилган маълумотларга кўра, Абу Жаъфар Юнон ҳукмдори билан иноқ бўлиб, Афинадан беадоқ китоблар олдиради. Маъмун даврида Яҳё ибн Холид Бармакий Птолемейнинг “Мажистий” асарини таржима қилади. Санад бин Али ва Холид ал-Марварудий астрономия бўйича янги маълумотларни қўлга киритади. Ер шарининг узунлик ва кенглик даражалари ўлчаб чиқилади. Аббос бин Саййид Жўшарий каби машҳур олимлар юнонларнинг астрономияга оид асарларидаги кўплаб хатоликларни аниқлайди, қуёш доғлари, ой-кун тутилиши, думли юлдузлар борасида бир қанча кашфиётлар қилади. Европалик олимлар ҳандаса илмини хуросонлик Абулвафонинг ҳижрий бешинчи аср бошида тузган “Аз-зижи Шомил” ва “Мажистий”сидан ўрганади...



Афсуски, XI асрга келиб замон нотинчликлари кучаяди. Қуддуси шариф учун бошланиб кетган салиб юришлари ислом оламини ларзага солиб, илм-ҳунар йўлларини тўсади. Аммо маърифий зиё нури сўнмайди, аксинча, душманларга ҳам имкон бериб, уларни мунаввар қилади. Мўғулларнинг катта қисми ислом маданиятини қабул қилади, европаликлар эса юз йиллик салб юришлари давомида у ерлардан бойлик ўмариш билан бирга, қанчадан-қанча санъат ва ҳунарларни ўрганиб қайтади. Ислом маданияти ўчоқлари Бағдод, Шероз, Нишопур, Бухоро ва Самарқанддан ташқари Африка ва Испанияда, яъни ислом оламининг деярли барча нуқталарида мавжуд бўлиб, бу ерларда илм-фан ривож топади.

Тарих шоҳидки, Батлимус (Птолемей) “Жуғрофия”си Маъмун замонига келиб эскиради. Унинг амри билан янги мукаммал жуғрофия китоби — “Расм ул-арз” яратилади, аввалги китоблардаги хатоликлар тузатилиб, матнга хариталар илова қилинади. Мирзо Улуғбек кўрсатмаси билан Али Қушчи Ернинг кенглик даражаси ва сатҳини ўлчаш борасида бемисл ютуқларга эришади. “Олами исломиятда машҳур ва Оврупо Фарангистони уламосига маълум “муаллими соний” номини олган Абу Наср Форобий ҳазратлари турк ўғли туркдирки, ҳам биринчи уламодан, ҳам биринчи ҳукамодандир, — деб ёзади Исмоилбек. — Али Ҳусайн Ибн Сино ҳазратлари Оврупода “Ави-Сена” номи ила машҳур бўлган турк ўғли туркдир. Юнон қавми Буқрот каби табиб ва Арасту каби филўсўф ила ифтихор қилади. Ибн Сино эса Арастунинг акси эмас эди ва лекин Арастунинг шогирди ҳам бўлмай, ўзининг истеъдоди ва ақлия зеҳнияси ила Арастуга баробар келмишдир. Ибн Сино Бухоро мевасидир”.

Муаллиф шу ва бошқа кўплаб маълумотларни келтирар экан, ҳар бир миллат, халқнинг буюклиги ва қувватлилиги унинг илм ва ҳунарни нечоғлиқ эгаллагани билан ўлчанишини таъкидлайди, “Илм ва ҳунарга эга миллат ва халқ энг улуғ, энг буюк халқдир”, дейди.

Таассуфки, орадан асрлар ўтиб, гуллаб-яшнаган Андалусия таназзулга юз тутади. Бунинг сабабини Гаспринский бундай шарҳлайди: “Инсон иши, инсон тартиби ҳеч қачон боқий бўлмайди. Чунки борлик ва йўқлик, тараққиёт ва таназзул сабаблари ўз ичимизда. Талафотимизга сабаб бўлган оғу ва заҳар ҳам, жони саодатимизга сабаб бўлган қувваи маънавия ҳам вужудимиздадир. Тўғрилик ва нафсоният, ҳаққоният ва зулм, марҳамат ва ғаддорлик, танбаллик ва ғайрат, илмга муҳаббат ва жаҳолатга майл, мардлик ва олчоқлик, баҳодирлик ва қўрқоқлик — барчаси инсонга хос. Шундайки, ушбу ҳолларнинг қай бири ғолиб келса, жамияти башария ана шунга мувофиқ тартиби маишат қилади... Инсонлар ҳусн ахлоқли, хуш қилиқли бўлсалар, жамият ва ҳаётлари давомли бўлиб тараққий этар, саломат ва саодатҳол бўлурлар. Акс ҳолда, ичидан чириган олмадек, бир-бир тўкилиб, инқирозга юз тутади... Уч юз йил камоли шуҳрат ва ном ила салтанат қилиб, Андалус давлати охир-оқибат бошқа йўлга юз тутди. Афкорлар, одатлар ва ҳиссиётлар ўзгара бошлади. Танбаллик, қайғусизлик, кибр, тафриқа (бўлиниш, парчаланиш) илон оғуси каби вужуди давлат ва миллатни чирита бошлади...”.

Бу фикрга тўла қўшилган ҳолда айтиш зарурки, Шарққа хос уч иллат — кўпхотинлилик (улардан туғилган фарзандларнинг ўзаро тахт талашуви), маишатбозлик (огоҳликнинг йўқотилиши) ва мол-мулкка ружу қилиш, хазинани тўлдириш учун солиқларни ошириш биргина Андалусияни эмас, кўплаб бошқа салтанатларни ҳам таназзулга бошлаган. Илм ва тафаккур ривожи, маданият ва маърифат, таълим-тарбия иши, китобхонлик, илмга иштиёқ қаерда бу уч қусурдан устун келса, ўша ер гуллаб-яшнаган, адолат чироқлари ўчмаган. Шу боис, одамлар ўқиш ва ёзишни ўрганиб олганидан бошлаб ўз тафаккурининг буюк ихтироси бўлмиш китобга эҳтиёж сезади. Вақт ўтар экан, фикр, мушоҳада, турли тафсилот ва изоҳларни қоғозга тушириб, китоб ҳолида чоп этиш, уларни келажак авлодлар учун сақлаш эҳтиёжи юзага келади, китоб битиш, муқовалаш, безаш санъати шаклланади.

Тарихчи Мақризийнинг фикрича, Қоҳирадаги машҳур фотимийлар кутубхонасида бир ярим миллион нусха китоб бўлган. Бағдодда Хорун ар-Рашид барпо қилган “Байт ул-ҳикма” кутубхонаси унинг ўғли Маъмун даврида китоб мутолаа қилиш, илмий мунозара, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиш, нодир асарлардан нусха кўчириш марказига айланган. Маъмун Мовароуннаҳр ва хуросонлик машҳур олимларни саройига тўплаб, уларни ўзи билан Бағдодга олиб кетган. Ўрта Осиё ва Хуросондан Бағдодга таклиф этилган Муҳаммад ал-Хоразмий, Яҳё ибн Абу Мансур, Холид ал-Марварудий, ал-Аббос ал-Жавҳарий, Аҳмад ал-Фарғоний каби алломалар кўп йиллар “Байт ул-ҳикма”да фаолият юритган. Китобшунос, адаб илмига доир кўплаб асарлар муаллифи ибн ан-Надиймнинг хотирлашича, Маъмун бир урушда Рим подшоҳини мағлуб этгач, ўзаро тузилган сулҳга кўра, ундан ўлпон сўрамаган — Бағдоддан Римга жўнатган олимларига хазинасидаги нодир китобларни таржима қилиш учун рухсат беришини талаб қилган. Фотимий халифаларнинг машҳур кутубхоналари мамлуклар тажовузи пайтида йўқ қилинган. Муаррихлар “Жоҳил тўда китобларга ўт қўйиб, уларнинг жилдидан кийишга пойабзал ясаб олдилар”, дея ёзган.

Мўғул босқинчилари Бағдодни вайрон этганларида бу ердаги машҳур кутубхоналар тамомила йўқ қилинган. Хотираларда келтирилишича, “Ваҳшийлар қўлларига илинган барча китобларни дарёга улоқтирган, сувга ташланган китоблар ҳисобига дарё сувлари қирғоқларидан тошган, шу даражадаки, отлиқ киши дарёнинг у соҳилидан бу соҳилига бемалол ўта олган, китобларнинг ранги ҳисобига сув бир неча ой тим қора рангга бўялган”.

Салиб юришлари даврида ислом шаҳарларидаги улкан кутубхоналар вайрон қилингани янада таассуфли. Тароблуснинг (Триполи, Ливан) ўзида салибчилар уч миллион китобни йўқ қилгани ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Испанларнинг Андалусияга уюштирган босқини пайтида Ғарнота майдонида бир кунда бир миллиондан ортиқ китоб ёқиб юборилган. Нобель мукофоти соҳиби, физик олим Пьер Кюри бу машъум жоҳиллик ҳақида бундай ёзади: “Мусулмонлар Андалусиясидан бизга бор-йўғи 30 та китоб қолди, холос. Шу китобларни ўқиб, атомни парчалашга эришдик. Агар биз ана ўша буюк ислом цивилизациясига тегишли китобларни ёқиб юбормай, сақлаб қолганимизда нима бўларди — биз бугун фазодаги галактикалар орасида сайр қилиб юрган бўлардик”.

Мусулмонлар ўртасидаги иттифоқсизлик натижасида бутун бир давлат уч-тўрт қисмга бўлиниб, ҳокимлар бирбирларига уруш эълон қилади. Бу ҳолат Кастилия насронийларининг ҳукмдори Фердинандга қўл келади ва у Андалусиянинг ички ишларига аралашиб, ўлка инқирозини тезлаштириб юборади. Бу инқироз ўтмиш тарихнинг бизгача етиб келган, унутиб бўлмайдиган сабоқларидан биридир. Андалусиянинг уқувсиз, журъатсиз сўнгги ҳукмдори Абу Абдуллоҳ ас-Соғир ўз жони, роҳати ва мол-мулкини ўйлаб Фердинанд билан яширин музокаралар ўтказади, унинг тилёғламалик билан берган ёлғон ваъдаларига ишонади. Бу музокара март ойининг сўнгги кунида бўлиб ўтади. Ал-Ҳамро саройида ўтказилган йиғинда қўрқоқ ҳукмдор вазиятдан чиқиш йўллари тўғрисида эмас, шаҳарни душманга топшириш, таслим бўлиш, бошқа чора йўқлиги тўғрисида сўзлайди. Шунда жасоратли, ориятли саркарда Мусо ўрнидан туриб: “Йўқ, султоним, муҳорабага чорамиз бор. Душманга таслим ила жон ва молимизни омон сақлаб бўлмайди. Ўзимиз асир ва қул бўламиз, молимиз эса яғмо ва ғоратда қолади. Душман қиличидан қўрққан бу кўзларимиз (эртага) хотин-қизларимизни уларнинг қучоқларида, ишрат мажлисларида шароб қадаҳларини тўлатишларини кўражакдир... Бизга вожиб бўлган нарса сўнгги, охирги нафасга қадар миллат ва юрт қайғусида ғайрат қилмоқдир. Жаноби Ҳақ оғир кунларда ўзи қўллайди. Бу йўлда жон ва бошни фидо қилмоқ ва ор-номус ила дунёдан кетмоқ номуссизлик ила бориб, душманга асир бўлишдан минг маротаба лаззатли ва шарафлидир”, дейди. Аммо бошқа ҳеч кимдан садо чиқмайди.



Саркарда Мусо мажлисни тарк этиб, уйига келади, оила аъзолари, хизматкорларини йиғиб, уларга шаҳар таслим бўлса, хавф-хатарсиз чиқиб кетиш йўлларини тушунтиради, улар билан видолашар экан, ҳеч қачон, аввало, диндан, илм-маърифатдан чекинмасликларини уқтиради. Шундан сўнг отини эгарлатиб, бир ўзи қуролланган ҳолда йўлга тушади. Шаҳардан чиқаверишда қирол Фердинанд аскарлари уни қуршаб олади. Тенгсиз олишувда Мусо босқинчиларнинг йигирматасини ер тишлатиб, ўзи ҳам ҳалок бўлади.

Илм-маърифат, таълим-тарбиянинг сустлашуви натижаси бўлмиш бундай фожиалар биргина Андалусияда юз берган эмас. Бошқа жойни қўя турайлик, ўзимизда собиқ тузум шароитидан кейин — истиқлол даврида ҳам маънавий-ахлоқий тарбия, таълим тизими, китобхонлик, қироатхонлик соҳаларида жиддий хатоларга йўл қўйилди. Кутубхоналар асоссиз равишда қисқарди, илмий тафаккур, мутолаа маданияти, билим ва маърифатлилик, қиёсий мушоҳада ва янада муҳими, мустақил таълимга эътибор сусайди. Олий ва ўрта-махсус таълим соҳасига ўқитишнинг дунё эътироф этган, синовлардан ўтган миллий тажрибалари бир четга сурилиб, ёт ғайритабиий тажрибалар кириб келди. Улардан кўр-кўрона андоза олиш натижа бермади. Жамиятда ўқитувчининг обрўси тушди. Ўқитувчи, мураббий, устоз ва бошқа фидойиларни, масалан, мактаб педагогик жамоасини аниқ натижа ва самарага (қанча битирувчи олий ўқув юртларига ўқишга кирганига) қараб рағбатлантириш йўлга қўйилмади. Янада ачинарлиси, таълим соҳаларида “китоб, газета-журнал ўқимай ҳам яшаш, ишлаш, хизмат курсисини эгаллаш мумкин”, деб ҳисоблайдиган, она тилига эътибор жиддий сусаётганидан мутлақо ғашланмайдиган, аксинча, буни “нормал ҳол” дейдиган мутасаддилар пайдо бўлди. Шунгача бориб етилдики, тилни ўрганиш учун унинг грамматикасини билиш шарт эмас, деган номақбул, ғайриилмий маслаҳат телеэкранларни эгаллади.

Мана энди, кеч бўлса-да, яна ўзимизга, ўз тажрибамизга қайтмоқдамиз. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2023 йилда таълим соҳасини жиддий ислоҳ қилиш, ёш авлод тарбиясида аниқ самарага эришишни жамият, миллат олдида турган муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этди.

Шундай экан, бу жараёнда таълим мутасаддилари билан бирга, ижодкор зиёлилар, ҳар куни мактабда болалар билан юзма-юз бўлиб, уларнинг кўзларидаги ажабланиш, ҳайрат, ишонч, беғубор орзу-умид, интилиш ва қизиқувчанликни кўрадиган, ғаройиб саволларига жавоб қайтарадиган, идрок қувватларини ҳис этадиган, мурғак қалбларида ниш ураётган истеъдод учқунларидан бохабар оддий ўқитувчилар, таълим соҳасининг тажрибали услубчи-амалиётчилари ҳам фаол иштирок этишлари, дарсликларни ёзишда умри олис-олис қишлоқлардаги мактабларда ўтаётган ижодкор устозларнинг фикрлари инобатга олиниши зарур.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-146.
14144 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎзА якуни — 21:06 Топширилди — 22:25